



О'ЗБЕКИСТОН RESPUBLIKASI SOG'LIQNI SAQLASH VAZIRINING

BUYRUG'I

20 19 yil "12" 08

№ 209

Toshkent sh.

Тиббиёт ва фармацевтика олий ва ўрта махсус касб хунар таълим муассасаларида таълим жараёнини ташкил этиш бўйича меъёрий хужжатларни янада такомиллаштириш тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 7 декабрдаги “Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш тизимини тубдан такомиллаштириш бўйича комплекс чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПФ-5590-сонли Фармони, 2019 йил 6 майдаги “Тиббиёт ва фармацевтика таълими ва илм-фани тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-4310-сонли қарори ижросини таъминлаш мақсадида буюраман:

1. Куйидагилар:

Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги Тиббиёт ва фармацевтика узлуксиз касбий таълим муассасалараро Мувофиқлаштирувчи кенгаши таркиби 1-иловага;

Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги тиббиёт ва фармацевтика узлуксиз касбий таълим муассасалараро Мувофиқлаштирувчи кенгаш тўғрисидаги низом 2-иловага;

тиббиёт ва фармацевтика олий таълим муассасаси профессор-ўқитувчилар таркибининг ўқув юкламаси ҳамда ўқув-услугий, илмий-тадқиқот ва “Устоз-шогирд” ишларини белгилаш қоидалари 3-иловага;

тиббиёт ва фармацевтика олий таълим йўналишлари ва мутахассисликларининг давлат таълим стандартлари асосида модул дастурлари тузилмаси, уларни ишлаб чиқиш ва татбиқ этиш тартиби 4-иловага;

бакалаврият таълим йўналишлари малака талаблари тузилмаси 5-иловага;

магистратура мутахассисликларининг малака талаблари тузилмаси 6-иловага;

бакалаврият таълим йўналишлари ва магистратура мутахассисликларининг малака тавсифномалари тузилмаси 7-иловага;

бакалаврият таълим йўналишлари ўқув режаси тузилмаси 8-иловага;
магистратура мутахассисликларининг ўқув режаси тузилмаси 9-иловага;
тиббиёт ва фармацевтика ўрта таълим йўналишлари ўқув режа тузилмаси
10-иловага;

тиббиёт ва фармацевтика ўрта таълим йўналишлари фан дастурларини
ишлаб чиқиш ва татбиқ этиш тартиби 11-иловага;

тиббиёт ва фармацевтика ўрта таълим йўналишлари ва
мутахассисликларнинг малака тавсифномалари тузилмаси 12-иловага;

клиник ординатура (резидентура) мутахассисликлари дастурларини
ишлаб чиқиш ва татбиқ этиш тартиби 13-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Фан ва таълим бош бошқармаси бошлиғи (Ў. Исмаилов), Тиббий
таълимни ривожлантириш маркази директори (Н. Янгиева), тиббиёт олий
таълим муассасалари ректорлари, филиаллар директорлари ва тиббиёт
коллежлари директорларига:


тиббиёт ва фармацевтика таълимига оид барча меъёрий хужжатларнинг
ишлаб чиқилган тузилмаларига мувофиқ белгиланган тартибда ишлаб
чиқилиши ва тасдиқланишини таъминласин.

2019-2020 ўқув йилидаги бакалавриятнинг барча таълим
йўналишларининг 1 курс талабалари учун ўқув жараёнини Соғлиқни сақлаш
вазирлиги томонидан 2018 йилда тасдиқланган ўқув режалар асосида
ташқиллаштирсин.

3. Ушбу буйруқ қабул қилиниши муносабати билан Соғлиқни сақлаш
вазирининг 2017 йил 22 августдаги “Ўзбекистон Республикаси тиббиёт олий
таълим муассасаларида ўқув жараёнини ташқиллаштириш тўғрисида”ги 474-
сонли буйруғининг 2-банди ва 1-илоvasи ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

4. Мазкур буйруқ ижросининг назорати вазирнинг биринчи ўринбосари
Б. Юсупалиев зиммасига юклатилсин.

Вазир


А. Шадманов

Ўзбекистон Республикаси
Соғлиқни сақлаш вазирининг
2019 йил “12” 08
2019 - сонли буйруғига
1-ИЛОВА

Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги
Тиббиёт ва фармацевтика узлуксиз касбий таълим муассасалараро

**МУВОФИҚЛАШТИРУВЧИ КЕНГАШ
ТАРКИБИ**

Т/р	Лавозими	Фамилияси, исми, шарифи
Кенгаш раиси		
1.	Соғлиқни сақлаш вазири	А.Қ. Шадманов
Кенгаш раиси ўринбосари		
2.	Соғлиқни сақлаш вазирининг биринчи ўринбосари	Б.К. Юсупалиев
Кенгаш котиби		
3.	Соғлиқни сақлаш вазирлигининг Фан ва таълим бош бошқармаси бошлиғи	Ў.С. Исмаилов
Кенгаш аъзолари		
4.	Соғлиқни сақлаш вазирлигининг Узлуксиз тиббий таълимни ривожлантириш бошқармаси бошлиғи	Ф.Х. Азизова
5.	Соғлиқни сақлаш вазирлигининг Фанни ривожлантириш бошқармаси бошлиғи	Н.Л. Хабилов
6.	Соғлиқни сақлаш вазирлигининг Олий ва ўрта махсус таълимни ривожлантириш бошқармаси етакчи мутахассиси	Л.Ю. Юсупова
7.	Соғлиқни сақлаш вазирлигининг Тиббий таълимни ривожлантириш маркази директори	Н.Р. Янгиева
8.	Соғлиқни сақлаш вазирлигининг Тиббий таълимни ривожлантириш маркази “Олий тиббий таълим” бўлими бошлиғи	Д.С. Тўхтасинова
9.	Соғлиқни сақлаш вазирлигининг Тиббий таълимни ривожлантириш маркази “Ўрта тиббий таълим” бўлими бошлиғи	Г.Ю. Назарова
10.	Соғлиқни сақлаш вазирлигининг Тиббий таълимни ривожлантириш маркази “Дипломдан кейинги таълим” бўлими бошлиғи	З.К. Хакимова

11.	Тиббиёт олий таълим муассасалари Ректорлар раёсати раиси, Тошкент педиатрия тиббиёт институти ректори	Б.Т. Даминов
12.	Соғлиқни сақлаш вазирлигининг Олий ва ўрта махсус таълимни ривожлантириш бошқармаси бошлиғи	Г.А. Юсупалиева
13.	Тошкент тиббиёт академияси ректори	Л.Н. Тўйчиев
14.	Тошкент фармацевтика институти ректори	И.И. Алимджанов
15.	Тошкент давлат стоматология институти ректори	Ж.А. Ризаев
16.	Тошкент врачлар малакасини ошириш институти ректори	Х.А. Акилов
17.	Андижон давлат тиббиёт институти ректори	М.М. Мадазимов
18.	Бухоро давлат тиббиёт институти ректори	А.Ш. Иноятов
19.	Самарқанд давлат тиббиёт институти ректори	А.М. Шамсиев
20.	Тошкент тиббиёт академияси Фарғона филиали директори	Ғ.Н. Султонов
21.	Тошкент тиббиёт академияси Урганч филиали директори	Р.Ю. Рузибаев
22.	Тошкент тиббиёт академияси Термиз филиали директори	Н.А. Дияров
23.	Тошкент педиатрия тиббиёт институти Нукус филиали директори	О.А. Атаниязова
24.	Акушерлик ва гинекология РИИАТМ директори	Д.С. Максудова
25.	Дерматовенерология ва косметология РИИАТМ директори	У.Ю. Сабилов
26.	Кардиология РИИАТМ директори	Р.Д. Курбанов
27.	Кўз микрохирургияси РИИАТМ директори	А.Ф. Юсупов
28.	Неврология ва инсульт РИИАТМ директори	Ф.С. Каримов
29.	Нейрохирургия РИИАТМ директори	Г.М. Кариев
30.	Нефрология ва буйрак трансплантацияси РИИАТМ директори	Б.Т. Даминов
31.	Онкология ва радиология РИИАТМ директори	М.Н. Тилляшайхов
32.	Педиатрия РИИАТМ директори	Д.И. Ахмедова
33.	Терапия ва тиббий реабилитация РИИАТМ директори	Б.А. Аляви
34.	Травмотология ва ортопедия РИИАТМ директори	М.Ж. Азизов
35.	Урология РИИАТМ директори	Ш.Т. Мухторов
36.	Фтизиатрия ва пульмонология РИИАТМ директори	Н.Н. Парпиева
37.	В.Воҳидов номидаги хирургия РИИАТМ директори	Ф.Г. Назиров
38.	Эндокринология РИИАТМ директори	А.В. Алимов
39.	Республика шошилинич тиббий ёрдам илмий маркази директори	А.М. Ходжибаев

40.	Республика аллергология илмий-ихтисослаштирилган маркази директори	И.С. Разикова
41.	Вирусология ИТИ директори	Э.И. Мусабаев
42.	Гематология ва қон қуйиш ИТИ директори	А.А. Қаюмов
43.	Санитария, гигиена ва касб касалликлари ИТИ директори	М.А. Хамракулова
44.	Эпидемиология, микробиология ва юқумли касалликлар ИТИ директори	Н.С. Атабеков
45.	Республика илмий-текшириш институтлари, ихтисослаштирилган илмий-амалий марказларнинг узлуксиз касбий таълим жараёни бўйича масъуллари	Лавозимлари бўйича
46.	Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятлар ҳудудий кўп тармоқли (болалар, катталар) тиббиёт марказлари (26)нинг узлуксиз касбий таълим жараёни бўйича масъуллари	Лавозимлари бўйича
47.	Республика ўрта тиббиёт ва фармацевтика ходимлари малакасини ошириш ва уларни ихтисослаштириш маркази ва унинг филиаллари (14) директорлари	Лавозимлари бўйича
48.	Нодавлат тиббиёт олий таълим муассасаси – АКФА Университети раҳбари	Лавозими бўйича
49.	Ўзбекистон врачлар ассоциациясининг тор ихтисосликлар бўйича бўлимлари раислари (13)	Лавозимлари бўйича
50.	Соғлиқни сақлаш вазирлигининг бош мутахассислари ва консултантлари (62)	Лавозимлари бўйича
51.	Тиббиёт коллежлари Директорлар раёсати раиси, Самарқанд тиббиёт коллежи директори	Ғ.Ж. Хўжамуродов
52.	Соғлиқни сақлаш вазирлигининг Тиббий таълимни ривожлантириш маркази бош мутахассиси	Г.Ш. Омонова

Изоҳ: Мувофиқлаштирувчи кенгаш аъзолари бошқа ишга ўтган тақдирда, унинг таркибига ушбу лавозимга янгидан тайинланган (сайланган) ёки тегишли функциялар зиммасига юкланган шахслар киритилади.

**Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги
Тиббиёт ва фармацевтика узлуксиз касбий таълим муассасалараро
Мувофиқлаштирувчи кенгаш тўғрисидаги**

НИЗОМ

1. Умумий қоидалар

1. Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳузуридаги тиббиёт ва фармацевтика узлуксиз касбий таълим тизими муассасалараро Мувофиқлаштирувчи кенгаш (кейинги ўринда – Кенгаш) маслаҳат ва мувофиқлаштирувчи орган бўлиб, у узлуксиз касбий таълим тизимида тиббиёт ва фармацевтика кадрларини тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини оширишнинг самарали тизимини шакллантириш ва ривожлантириш, узлуксиз касбий таълим жараёнига жалб этилган таълим муассасалари фаолиятини мувофиқлаштириш, Ўзбекистон Республикасининг “Таълим тўғрисида”ги қонуни, Кадрлар тайёрлаш миллий дастури, тиббиёт ва фармацевтика таълими бўйича Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармон ва қарорлари, Вазирлар Маҳкамаси қарорларида белгиланган вазифаларни амалга оширишда жамоатчилик иштирокини таъминлаш мақсадида ташкил этилади.

2. Кенгаш ўз фаолиятида Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, Қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармон ва қарорлари, Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари ва Соғлиқни сақлаш вазирлигининг норматив-ҳуқуқий ҳужжатлари, шунингдек мазкур Низомга амал қилади.

3. Кенгаш узлуксиз касбий таълим масалалари бўйича фаолият юритувчи халқаро ташкилотлар билан ҳамкорлик қилади.

4. Кенгашни ташкил этиш, қайта ташкил этиш ва тугатиш соғлиқни сақлаш вазирлигининг буйруғи асосида амалга оширилади.

2. Кенгашнинг мақсад ва вазифалари

5. Жамиятнинг маънавий янгиланиши, тараққиёти, жаҳон тенденциялари, илғор хорижий тажриба ва замонавий тиббиёт соҳаси эҳтиёжларини инобатга олган ҳолда тиббиёт ва фармацевтика олий ва ўрта махсус таълим, кадрлар малакасини ошириш ва қайта тайёрлаш тизимини ривожлантириш, илмий асослаш, тиббий таълимга оид меъёрий-ҳуқуқий ва илмий-услубий ҳужжатларни такомиллаштириш, рақобатбардош кадрлар

тайёрлаш бўйича ишлаб чиқилган меъерий-ҳуқуқий ҳужжатларни таҳлил қилиш, таълим муассасалари фаолиятини мувофиқлаштиришдан иборат.

6. Кенгашнинг асосий вазифалари:

тиббиёт ва фармацевтика олий таълим, ўрта махсус профессионал таълим, узлуксиз касбий таълим тизимида кадрлар малакасини ошириш ва қайта тайёрлаш тизимини турлараро ва фанлараро узлуксизлиги ҳамда узвийлигини услубий таъминланишини мувофиқлаштиради;

таълим жараёнини такомиллаштирилган Давлат таълим стандартлари, давлат талаблари, малака талаблари, ўқув режалари ва фан дастурлари ҳамда услубий ҳужжатлар билан таъминланишини ташкил этади;

узлуксиз касбий таълим тизимида тиббиёт ва фармацевтика кадрларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш курсларининг ўқув-методик базасини шакллантиришни мувофиқлаштиради;

республикада узлуксиз тиббий ва фармацевтика таълимини ривожлантириш шароитлари, бу борада халқаро тажрибани таҳлил қилиш, умумлаштириш, шунингдек ушбу йўналишдаги ишларни янада такомиллаштириш бўйича асосланган таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқади;

тиббиёт ва фармацевтика олий таълими, ўрта махсус таълими, узлуксиз касбий таълим тизимида малака ошириш ва қайта тайёрлаш дастурларининг натижавийлиги ва самарадорлигини назорат қилиш, мутахассисларга қўйиладиган малака талаблари (билим ва амалий кўникмалар)ни такомиллаштириш, узлуксиз тиббий ва фармацевтика таълими тузилмаси ва мазмунини ривожлантириш бўйича таклифлар ишлаб чиқади;

тиббиёт ва фармацевтика кадрларини узлуксиз касбий таълим тизимида тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва малакасини оширишни бошқарувчи меъерий-ҳуқуқий ҳужжатларга ўзгартириш киритиш бўйича таклифлар тайёрлайди.

бакалавриатура таълим йўналишлари, магистратура мутахассисликлари ўқув дастурларининг давлат таълим стандартлари ва малака талабларига, малака ошириш ва қайта тайёрлаш ҳамда клиник ординатура мутахассисликлари ўқув дастурларининг давлат талабларига мослиги, долзарблиги, тингловчиларда янги касбий компетенцияларни шаклланиши ва такомиллашишига хизмат қилиши юзасидан экспертизадан ўтказиши ва тасдиқлаш бўйича тавсия беради;

илм-фан, ишлаб чиқариш ва тиббиёт соҳасидаги энг сўнгги ютуқларни таълим дастурлари мазмунига мунтазам татбиқ этилишини таъминлайди;

узлуксиз касбий таълим тизимида ўқув тадбирлари (конференция, семинар, маҳорат мактаби ва ҳ.к.) сифатига қўйиладиган талабларни ишлаб чиқади;

таълим муассасалари фаолиятининг натижадорлигини мунтазам ўрганиб боради ва ўрганиш натижалари юзасидан тегишли таклифлар ишлаб чиқади;

Кенгаш аъзоларининг тенг ҳуқуқлилиги, ҳамжиҳатлилиги ва ошкоралик тамойилларига асосланган ҳолда ўз фаолиятини юритади.

3. Кенгаш таркиби

7. Кенгаш таркиби раис, раис ўринбосари, котиб(а) ва аъзоларидан иборат бўлиб, кенгаш жамоатчилик асосида иш юритади.

8. Кенгаш таркиби соғлиқни сақлаш вазирлигининг маъсул ходимлари, олий таълим муассасалари, тиббиёт коллежларининг тажрибали профессор-ўқитувчилари, илмий-амалий тиббиёт марказлари, илмий текшириш институтлари, врачлар ассоциациялари, иш берувчи ташкилот бошқа соҳаларнинг малакали мутахассисларидан иборат этиб тузилади;

9. Кенгаш таркиби соғлиқни сақлаш вазирининг буйруғи билан тасдиқланади.

4. Кенгаш фаолиятини ташкил этиш

10. Кенгаш фаолияти масалаларни жамоавий, эркин, очиқ муҳокама қилиш ва асосланган қарорлар қабул қилишга асосланади.

11. Кенгаш раиси:

Кенгаш фаолиятига раҳбарликни амалга оширади;

Кенгаш кун тартиби йиғилишларини белгилайди ва йиғилишларни ўтказиши;

Кенгаш томонидан қабул қилинган қарорларнинг бажарилиши юзасидан назоратни ташкил қилади;

Кенгаш аъзоларининг зиммасига юклатилган вазифаларни бажариш бўйича ишларини мувофиқлаштиради;

Кенгашнинг самарали ишлашини таъминлаш бўйича бошқа ваколатларни амалга оширади.

12. Раис ўринбосари:

Кенгаш раиси бўлмаган ҳолда кенгаш йиғилишларини ўтказиши;

Кенгаш раисининг топшириғига биноан унинг алоҳида ваколатларини амалга оширади;

13. Кенгаш котиби:

Кенгашнинг навбатдаги йиғилишга барча зарур ҳужжатларнинг ўз вақтида тайёрланишини таъминлайди;

кун тартибидаги масалалар бўйича кенгаш йиғилишлари ўтказилишини ташкил қилади;

Кенгаш раиси билан йиғилиш ўтказиш муддатлари ва жойини, шунингдек таклиф этиладиганлар рўйхатини келишиди;

Кенгаш аъзоларини ва таклиф этилган шахсларни мажлиснинг ўтказиладиган санаси, вақти, жойи тўғрисида хабардор қилади;

Кенгаш қарорлари ижроси мониторингини олиб боради ва унинг натижасини кўриб чиқиш учун кенгаш йиғилишига тақдим этади;

Кенгаш протоколларини расмийлаштиради ва тасдиқланган протоколларни кенгаш аъзоларига ва бошқа манфаатдор ташкилотларга юборади.

13. Кенгаш аъзолари:

Кенгаш йиғилишларида кўриб чиқиладиган масалаларни муҳокама қилишда ва ҳал этишда қатнашади;

Узлуксиз тиббий ва фармацевтика таълимини ривожлантириш масалалари бўйича кенгашга таклифлар киритади;

Кенгаш муҳокама қиладиган масалалар бўйича хулосалар беради.

5. Кенгашнинг иш тартиби

14. Кенгаш фаолиятининг асосий шакли кенгаш йиғилишлари бўлиб, у ўз фаолиятини тасдиқланган режага мувофиқ амалга оширади ва календарь йилнинг ҳар чорагида ўтказилади.

Зарурат туғилган ҳолларда кенгашнинг навбатдан ташқари йиғилиши чақирилиши мумкин.

15. Кенгаш йиғилишини унинг раиси олиб боради. Кенгаш раиси бўлмаган тақдирда йиғилишни раис ўринбосари бошқаради.

16. Кенгаш йиғилиши ўтказиладиган сана, вақт ва жой раис томонидан белгиланади.

Кенгаш аъзолари йиғилишнинг кун тартиби ва ўтказилиши ҳақида у ўтказиладиган санадан камидан бир ҳафта аввал хабардор қилинади.

17. Кенгаш йиғилиш аъзоларининг камида учдан икки қисми иштирок этганда ваколатли ҳисобланади.

Йиғилиш ўтказиш учун кворум бўлмаганда кенгашнинг янги мажлис ўтказиш санаси эълон қилинади. Янги мажлис ўтказишда унинг кун тартиби ўзгартирилишига йўл қўйилмайди.

18. Кенгаш қарори кенгашнинг мажлисда қатнашаётган аъзоларининг оддий кўпчилик овози билан қабул қилинади. Овозлар тенг бўлган тақдирда Кенгаш раисининг овози ҳал қилувчи ҳисобланади.

19. Йиғилиш яқунлари бўйича Кенгаш қарорлари қабул қилинади ва улар йиғилиш баёни (протокол) билан расмийлаштирилади. Кенгаш йиғилиши баёни раис ва котиб томонидан имзоланади.

Кенгаш баёнининг асл нусхаси ва унга тегишли материаллар кенгаш котибда сақланади.

20. Қўйилган мақсадга эришиш учун Кенгаш таркибида ишчи гуруҳлар ва комиссиялар ташкил қилиниши мумкин, уларнинг таркиби Кенгаш қарори билан тасдиқланади.

21. Ишчи гуруҳлар ва комиссияларнинг ўрганилаётган масала бўйича хулосалари тавсиявий характерга эга бўлади.

22. Кенгаш йиғилишига унда кўриб чиқилаётган масалаларнинг аҳамиятига кўра бошқа ташкилотлар раҳбарлари ва мутахассислари таклиф этилиши мумкин.

23. Кенгашнинг ўз ваколатлари доирасида қабул қилинган қарорларини таълим муассасалари, соғлиқни сақлаш ҳудудий бошқармалари, тиббиёт муассасалари томонидан бажарилиши мажбурийдир.

24. Кенгаш қарорлари 5-кунлик муддатда Кенгаш аъзоларига тарқатилади. Кенгаш қарорлари расмий сайтларда эълон қилиниши мумкин.

25. Кенгаш қарорларининг ижроси юзасидан назорат кенгаш ўринбосари томонидан амалга оширилади.

26. Кенгаш фаолиятининг ташкилий, ҳуқуқий, информацион ва моддий-техник таъминоти соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан амалга оширилади.

Ўзбекистон Республикаси
Соғлиқни сақлаш вазирининг
2019 йил “12” 08
209 - сонли буйруғига
3-ИЛОВА

**Тиббиёт ва фармацевтика олий таълим муассасаси
профессор-ўқитувчилар таркибининг ўқув юкламаси ҳамда
ўқув-услубий, илмий-тадқиқот ва “Устоз-шогирд” ишларини
белгилаш**

ҚОИДАЛАРИ

Ушбу Қоидалар Ўзбекистон Республикасининг “Таълим тўғрисидаги Қонунига”, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 6 майдаги ПҚ-4310-сон “Тиббиёт ва фармацевтика таълими ва илм-фани тизимида янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарорига ва Ўзбекистон Республикаси олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2018 йил 10 сентябрдаги 20-2018-сон буйруғи “Олий таълим муассасаси профессор-ўқитувчилар таркибининг ўқув юкламаси ҳамда ўқув-услубий, илмий-тадқиқот ва “Устоз-шогирд” ишларини белгилаш Қоидалари” иловасига мувофиқ тиббиёт ва фармацевтика олий таълим муассасаси профессор-ўқитувчилар таркибининг ўқув юкламаси ҳамда ўқув-услубий, илмий-тадқиқот ва “Устоз-шогирд” ишларини белгилаш Қоидаларини белгилайди.

Мазкур қоидалар Соғлиқни сақлаш вазирлиги тасарруфидаги ва нодавлат тиббиёт ва фармацевтика олий таълим муассасаларига нисбатан татбиқ этилади, Ўзбекистон Республикаси ҳудудида ўз фаолиятини юритаётган халқаро ва хорижий тиббиёт ва фармацевтика олий таълим муассасаларига нисбатан татбиқ этилмайди.

1-боб. Умумий қоидалар

1. Тиббиёт ва фармацевтика олий таълим муассасаси профессор-ўқитувчилари таркиби (бундан буён матнда профессор-ўқитувчилар деб юритилади) меҳнатини нормалаштириш ҳар ўқув йили учун профессор-ўқитувчилар ва кафедра мудирининг тузиладиган ҳамда проректорлар билан келишилган ҳолда ўқув ишлари бўйича проректор (ўқув ва тарбиявий ишлар бўйича проректор, факультет декани) томонидан тасдиқланадиган ўқув йили бўйича шахсий иш режаларига асосланади.

2. Профессор-ўқитувчиларнинг ўқув йили бўйича шахсий иш режаси таркибига ўқув юкламаси ҳамда ўқув-услубий, илмий-тадқиқот ва

“Устоз-шогирд” ишларининг турлари киритилади. Иш турлари профессор-ўқитувчиларнинг ўқув йили бўйича шахсий иш режаларида тўлиқ ва аниқ акс эттирилиши керак. Жорий ўқув йили якунида факат мазкур ўқув йили давомида амалга оширилган ишлар ҳисобга олинади.

Ўқув йили давомида бажарилган қўшимча иш турлари профессор-ўқитувчиларнинг йиллик шахсий иш режаларига киритиб борилиши мумкин.

3. Профессор-ўқитувчиларнинг шахсий иш режаси таркибига киритиладиган ўқув юклариси ҳамда ўқув-услугий, илмий-тадқиқот ва “Устоз-шогирд” ишлари:

тўлиқ штатда фаолият курсатаётган профессор-ўқитувчилар учун профессор-ўқитувчиларнинг лавозимларига қўйилган малака талаблари асосида;

тўлиқ штатда булмаган ва ўриндош сифатида фаолият курсатаётган профессор-ўқитувчилар учун уларнинг ставкаларига мувофиқ тарзда профессор-ўқитувчиларнинг лавозимларига қўйилган малака талаблари асосида;

шунингдек, меҳнатга ҳақ тўлашнинг соатбай шартлари асосида фаолият курсатаётган профессор-ўқитувчиларнинг ўқув юклариси ушбу Қоидаларга мувофиқ шакллантирилади.

4. Профессор-ўқитувчиларнинг ўқув йили бўйича шахсий иш режасининг бажарилиши мунтазам равишда кафедра мудирини, ҳар семестр якунида факультет декани, декан ўринбосарлари, факультет тузилмаси булмаган тиббиёт ва фармацевтика олий таълим муассасаларида ўқув бўлими (ўқув-услугий бошқарма) ва тегишли йуналишлар бўйича проректорлар томонидан назорат қилиб борилади.

2-боб. Профессор-ўқитувчиларнинг ўқув юкларисини ҳисоблаш

5. Профессор-ўқитувчиларнинг ўқув йили бўйича шахсий иш режасига киритилган, унинг асосий қисми бўлган ўқув юкларисининг соатлардаги ҳажми мазкур Қоидаларнинг 1-иловасида назарда тутилган тиббиёт ва фармацевтика олий таълим муассасаси профессор-ўқитувчиларининг ўқув юклариси ҳажмини ҳисоблашнинг вақт меъёрларида белгиланган иш турларидан келиб чиқиб, профессор-ўқитувчиларнинг лавозимларига қўйилган малака талаблари асосида ҳисобланади.

Профессор-ўқитувчиларнинг эгаллаб турган лавозимлари бўйича ўқув юклариси ҳажми факультет декани (кафедра мудирининг таклифига мувофиқ тиббиёт ва фармацевтика олий таълим муассасасининг Кенгаши томонидан тасдиқланади.

6. Ўқув юклариси бўйича ҳисобланган соатлар ҳажми олий таълим

муассасасининг штат бирликлари сонини ҳамда профессор-ўқитувчиларнинг ойлик маошларини белгилаш учун асос бўлмайди.

Штат бирликлари профессор-ўқитувчиларнинг талабалар сонига нисбати бўйича, ойлик маоши эса ҳаражатлар сметаси бўйича тегишли норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар асосида белгиланади.

7. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1997 йил 11 мартдаги 133-сон қарори билан тасдиқланган Ижодий таътиллер бериш тартиби ҳамда бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда назарда тутилган нормаларга мувофиқ олиб борилаётган илмий-методик ва илмий-тадқиқот ишларини рағбатлантириш мақсадида профессор-ўқитувчиларнинг ўқув ишлари юкламаси ҳажми кафедра йиғилишининг таклифига асосан тиббиёт ва фармацевтика олий таълим муассасаси Кенгашининг қарори билан ўзгартирилиши мумкин. Бунда профессор-ўқитувчиларнинг тегишли ўқув юкламасининг муайян қисми кафедранинг бошқа профессор-ўқитувчиларининг ўқув юкламасига кўшимча равишда тақсимланади.

8. Маъруза машғулотлари илмий унвон ва илмий даражага эга бўлган профессор-ўқитувчилар томонидан ўтказилади. Зарур ҳолларда (маъруза машғулотлари ҳажми кўп бўлганда ёки профессор, доцент ва катта ўқитувчилар етарли булмаганда) тиббиёт ва фармацевтика олий таълим муассасаси Кенгашининг қарорига асосан камида 3 йиллик илмий-педагогик иш стажига эга бўлган, бироқ илмий унвон ва илмий даражаси бўлмаган ўқитувчиларга бир ўқув йилида 250 соатгача ҳажмда маъруза машғулотларини ўтишга рухсат берилади.

Профессор-ўқитувчиларнинг ўқув (маъруза, амалий (якка), семинар ва лаборатория) соатлари ҳажми 400 соатдан кам бўлмаслиги тавсия этилади.

Кафедра мудирининг ўқув (маъруза, амалий (якка), семинар ва лаборатория) соатлари ҳажми 300 соатдан кам бўлмаган аудитория соатларини бажариши тавсия этилади.

Кафедрага соҳанинг етакчи мутахассислари (академиклар ва профессорлар) жалб этилганда, ушбу ўқув соатлари ҳажмига тиббиёт ва фармацевтика олий таълим муассасаси Кенгаши қарорига мувофиқ ўзгартириш киритиш мумкин.

9. Профессор-ўқитувчиларнинг ўқув юкламасига киритилган малака амалиёти даври меҳнат таътили даврига тўғри келган ҳолларда, профессор-ўқитувчилар жорий ўқув йили давомида аудитория соатлари бўлмаган вақтда 10 кунгача тиббиёт ва фармацевтика олий таълим муассасаси Кенгаши қарорига асосан таътил олишлари мумкин.

3-боб. Профессор-ўқитувчиларнинг ўқув-услубий, илмий-тадқиқот ва “Устоз-шогирд” ишларини белгилаш

10. Профессор-ўқитувчилар фаолиятининг ўқув-услубий, илмий-тадқиқот ва “Устоз-шогирд” ишлари бўйича соатлар ҳажми ҳисобланмайдиган иш турлари мазкур Қоидаларнинг 2-иловасида назарда тутилган тиббиёт ва фармацевтика олий таълим муассасаси профессор-ўқитувчиларининг ўқув-услубий, илмий-тадқиқот ва “Устоз-шогирд” ишлари турларидан келиб чиқиб, профессор-ўқитувчиларнинг лавозимларига қўйилган малака талаблари асосида белгиланади.

11. Профессор-ўқитувчиларнинг ўқув-услубий, илмий-тадқиқот ва “устоз-шогирд” ишлари ҳажми мазкур иш турларини бажариш заруриятидан келиб чиқиб, профессор-ўқитувчиларнинг лавозимларига қўйилган малака талаблари асосида факультет декани (кафедра мудири)нинг таклифига мувофиқ тиббиёт ва фармацевтика олий таълим муассасаси Кенгаши томонидан тасдиқланади.

12. Профессор-ўқитувчиларнинг илмий-педагогик, ижодий маҳоратини узлуксиз ошириб бориш, талабаларда чуқур назарий билим, амалий ва касбий кўникмаларни шакллантириш, илм-фанга бўлган қизиқишни уйғотиш, уларга миллий ва умуминсоний қадриятларни сингдириш, ҳар томонлама етук мутахассис тайёрлашни назарда тутган ҳолда кафедра мудири ўқитишни илғор педагогик ва компьютер технологиялари, янги авлод ўқув адабиётлари асосида ташкил этиш ҳамда ўқув-услубий, илмий-тадқиқот ва “Устоз-шогирд” ишлари бўйича аниқ топшириқларни белгилайди.

4-боб. Якуний Қоида

13. Мазкур қоидалар Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги таълим сифатини назорат қилиш давлат инспекцияси билан келишилган.

Тиббиёт ва фармацевтика олий таълим муассасаси профессор-ўқитувчиларининг ўқув-услубий, илмий-тадқиқот ва “Устоз-шогирд” ишларини белгилаш Қойдаларига

1-ИЛОВА

Тиббиёт ва фармацевтика олий таълим муассасаси профессор-ўқитувчиларининг ўқув юкلامаси ҳажмини ҳисоблашнинг вақт меъёрлари

т/р	Иш турлари	Иш турлари учун ажратилган вақт меъёри	Иш турларининг бажарилганлигини аниқлаш
1	Ўқув (маъруза, амалий, семинар, яқка ва лаборатория) машғулотларини ўтказиш.	бир академик соат учун - 1 соат	<p>Ўқув машғулотлари ўқув режага мувофиқ бир академик соатдан (45 минут) ёки танафуссиз икки академик соатдан (80 минут) ўтказилади.</p> <p>Бунда: амалий ва семинар машғулотлари талабалар сони, одатда, 25 нафаргача талаба бўлган академик гуруҳларда; маъруза машғулотлари, одатда, 100 нафардан ошмаган бирлашган академик гуруҳларда (оқим), клиник (махсус) кафедраларда циклга келган гуруҳларда (оқим); лаборатория машғулотлари ва чет (рус) тилини ўқитиш, чизма ва муҳандислик графикаси фанидан амалий машғулотлар, тиббий-биологик, клиника олди бўлган ва гигиеник фанлар ўқитиш, фармацевтика ОТМ ларида махсус фанлар билан интеграллашган айрим умумқасбий фанларнинг амалий машғулотлари, нофилологик йўналишларда фанни чет тилида ўқитиш, одатда, 10-15 нафаргача талаба бўлган кичик гуруҳларда; клиник (махсус) фанларни ўқитиш, одатда, 5-10 нафаргача талаба бўлган кичик гуруҳларда ўтказилади.</p> <p>Ўқув машғулотларининг ўтказилганлиги профессор-ўқитувчилар журналида кайд этилади.</p>
2	Яқуний давлат аттестацияси дастлабки аккредитация билан белгиланган фанлардан умумлашган маърузалар ва маслаҳатлар ўтказиш	битта фанга (битта оқим учун) - 6 соат	<p>Умумлашган маърузалар ва маслаҳатларнинг ўтказилиши яқуний давлат аттестациясини дастлабки аккредитация билан ўтказиш жадвалида кайд этилади.</p>
3	Курс ишлари ва курс лойиҳаларига раҳбарлик қилиш, улар бўйича маслаҳатлар бериш.	бир курс иши учун - 2 соат; бир курс лойиҳаси учун - 3 соат.	<p>Ўқув режада кўрсатилган фанлар бўйича ўтказилади.</p> <p>Бир профессор-ўқитувчи бир семестр давомида, одатда, 50 нафаргача талабага (кўпи билан 1-2 та академик гуруҳ талабаларига) курс иши (лойиҳаси) бериши мумкин.</p> <p>Курс иши ва курс лойиҳаси ўқув режада кўрсатилган фанлар бўйича ўтказилади.</p>

			<p>Профессор-ўқитувчиларнинг курс ишига раҳбарлик қилганлиги таълим муассасаси буйруғи, ишнинг химояга тақдим этилганлиги билан аниқланади.</p>
4	<p>Курс иши (курс лойиҳаси) химоясини ўтказиш.</p>	<p>бир курс иши химояси учун - 0,4 соат; бир курс лойиҳаси химояси учун - 0,6 соат. Бунда профессор-ўқитувчининг бир кунлик иш соати ҳажми 8 соатдан ошмаслиги лозим.</p>	<p>Курс иши (лойиҳаси) химоясида камида 2 нафар профессор-ўқитувчи иштирок этади. Ҳами соатлар химояда иштирок этган профессор-ўқитувчилар сонига бўлинади ва улар ўртасида тенг тақсимланади. Профессор-ўқитувчининг курс иши (лойиҳаси) химоясини ўтказишда иштирок этиши тегишли қайдномаларда акс эттирилади.</p>
5	<p>Яқуний давлат аттестациясини дастлабки аккредитация билан ўтказиш.</p>	<p>ёзма иш шаклида бир академ гуруҳ учун - 3 соат; оғзаки шаклда битта талаба учун - 0,2 соат, ижодий ишларда битта талаба учун - 0,3 соат; ёзма иш (ижодий иш)ни текшириш учун ҳар бир ишга - 0,2 соат; тест шаклида битта академ гуруҳ учун - 1 соат. Яқуний давлат аттестацияси дастлабки аккредитация билан комиссиялари раисларига комиссияларнинг битта аъзоси учун бериладиган ҳами соатга қўшимча равишда 20% қўшилади. Комиссиялар аъзоларига бериладиган бир кунлик ўқув юкламаси ҳажми 8 соатдан ошмаслиги лозим.</p>	<p>Бир оқим (академ гуруҳ)да ёзма иш ўтказиш жараёнида иштирок этган комиссияларнинг ҳар бир аъзоси (қузатувчи профессор-ўқитувчи)га 3 соатдан берилади. Оғзаки шаклда ўтказилган яқуний давлат аттестацияси дастлабки аккредитация билан синовлари ҳами соати унда иштирок этган комиссияларнинг ҳар бир аъзосига берилади. Ёзма иш шаклида ўтказилган яқуний давлат аттестацияси дастлабки аккредитация билан синовларининг ҳами соати ёзма ишни текширишда иштирок этган комиссиялар аъзолари умумий сонига бўлинади ҳамда комиссиялар аъзоларига тенг тақсимланади. Тест шаклида ўтказилган яқуний давлат аттестацияси дастлабки аккредитация билан синовлари ҳами соати унда иштирок этган комиссияларнинг ҳар бир аъзосига берилади. Яқуний давлат аттестациясида дастлабки аккредитация билан иштирок этиш тегишли буйруқ ва қайдномаларда акс эттирилади. Яқуний давлат аттестацияси дастлабки аккредитация билан комиссиялари тарқибини олдиндан аниқлаш имконияти бўлмаган тақдирда, комиссиялар аъзолари (қузатувчи профессор-ўқитувчи)га комиссиялар ўз ишини тугатгандан сўнг, соатбай ҳақ тўланади. Бунда ушбу соатбай иш тури профессор-ўқитувчининг йиллик шахсий иш режасига киритилмайди</p>
6	<p>Интеграциялашган имтиҳон ўтказиш.</p>	<p>интеграциялашган клиника олди (умумқасбий) имтиҳон ва интеграциялашган клиник (маҳсус) имтиҳон бўйича бир нафар талаба учун - 0,5 соат</p>	<p>Интеграллашган клиника олди (умумқасбий) имтиҳон ва интеграллашган клиник (маҳсус) имтиҳонда ҳами соатлар имтиҳон олишда иштирок этган комиссиялар аъзолари умумий сонига тенг тақсимланади. Интеграциялашган имтиҳонда иштирок этиш тегишли буйруқ ва қайдномаларда акс эттирилади.</p>

			<p>Интеграллашган клиника олди (умумкасбий) имтиҳон ва интеграллашган клиник (махсус) имтиҳонда комиссиялар таркибини олдиндан аниқлаш имконияти бўлмаган тақдирда, комиссиялар аъзолари (кузатувчи профессор-ўқитувчи)га комиссиялар ўз ишини тугатгандан сўнг, соатбай ҳақ тўланади.</p> <p>Бунда ушбу соатбай иш тури профессор-ўқитувчининг йиллик шахсий иш режасига киритилмайди</p>
7	<p>Намунавий ўқув дастурларида кўзда тутилган назорат, ҳисоблаш ва ҳисоб-график ишларини текшириш, маслаҳатлар бериш, тақриз ёзиш ва қабул қилиш, клиник фанларни ўқитишда ишчи ўқув дастурларида кўзда тутилган касаллик тарихлари ва экспертиза баённомаларини текшириш, маслаҳатлар бериш ва қабул қилиш.</p>	<p>битта топширик учук - 0,3 соат, бироқ битта фанга кўпи билан - 1 соат. битта касаллик тарихи ва экспертиза баённомаси учун - 0,5 соат.</p>	<p>Бир профессор-ўқитувчига кафедра қарорига асосан кўпи билан 3 тагача академик гуруҳ талабалари бириктирилади.</p> <p>Фармацевтика ОТМларида экспертиза баённомаларини текшириш ҳамда ҳисоблаш ва ҳисоб- график ишларини текшириш учун кўпи билан 3 тагача академик гуруҳ талабалари бириктирилади.</p> <p>Клиник фанларни ўқитишда ишчи ўқув дастурларида кўзда тутилган иш турлари (касаллик тарихи ва экспертиза баённомаси ва бошқалар) шу гуруҳда дарс берган профессор-ўқитувчига берилади.</p> <p>Касаллик тарихи тегишли кафедрада бир йил давомида сақланади.</p> <p>Мазкур ишларнинг бажарилиши кўзда тутилган иш турларини мавжудлиги билан аниқланади.</p>
8	<p>Оралик ва якуний баҳолашларни ўтказиш, шунингдек талабанинг қолдирган (ўзлаштирмаган) дарсларини қайта топширишини қабул қилиш.</p>	<p>фан бўйича оралик баҳолашда жами ҳар бир талаба учун - 0,2 соат; якуний баҳолашда ҳар бир талаба учун - 0,3 соат. қолдирилган (ўзлаштирилмаган) дарсларни қайта топширишни қабул қилишда ҳар бир талаба учун - 0,3 соат. Бунда бир ўқув семестри давомида бир профессор-ўқитувчига кўпи билан 20 соат берилади.</p>	<p>Семестр давомида битта фандан кўпи билан 2 тагача оралик баҳолаш ўтказилади.</p> <p>Бунда модуль тизимида ўқитилмаётган ва ҳажми (умумий аудитория соати) семестр давомида 4 академик соатдан кам бўлган фанлардан оралик баҳолаш ўтказилмайди.</p> <p>Оралик ва якуний баҳолашлар ўтказилиши тегишли жадвалларда акс эттирилади.</p> <p>Ёзма ишлар натижалари эълон қилингандан сунг 6 ой давомида сақланади.</p> <p>Баҳолашлар жадвали (графи) семестр бошланган мuddатда талабаларга таълим муассасаси кенгашида шу ишни бажаришга жавобгар қилиб тайинланганлар (профессор-ўқитувчи, деканатлар, ўқув-услубий булим) томонидан эълон қилинади.</p> <p>Дарсларни қайта топшириш тегишли журнал ёки кайдномаларда акс эттирилади.</p>
9	<p>Бакалаврият таълим йўналиши талабалари амалиётга раҳбарлик қилиш, уларнинг ҳисоботларини</p>	<p>Малака амалиётини ўтаётган ҳар бир талаба учун бир иш кунига - 0,5 соат. Бунда:</p>	<p>Мазкур иш тури бўйича профессор-ўқитувчининг соатлари ҳажми ўқув ишлари юкласининг 20% идан ошмаслиги лозим.</p> <p>Мазкур ишларнинг бажарилганлиги амалиёт ўташ бўйича</p>

	текшириш ва баҳолаш.	Ўқув амалиётига раҳбарлик қилиш 1 гуруҳ учун бир иш кунига - 6 соат; ишлаб чиқариш ва педагогик амалиётга раҳбарлик қилиш 1 гуруҳ учун бир иш кунига - 6 соат. Индивидуал ҳолда ўтказилаётган амалиётига бутун амалиёт даврига бир талаба учун - 2 соат.	тиббиёт ва фармацевтика олий таълим муассасаси буйруғи, талабанинг амалиёт кундалиги ва амалиёт учун баҳо қўйилган тегишли қайдномалар асосида аниқланади.
10	Бакалаврият таълим йуналиши талабаларининг битирув малакавий ишига (диплом лойиҳаси, диплом иши) раҳбарлик қилиш, хулосалар ёзиш.	бир ўқув йилига ҳар бир талаба учун - 25 соат	Бир ўқув йилида битта профессор-ўқитувчига 7 нафаргача талаба бириктирилади. Профессор-ўқитувчининг битирув малакавий ишига (диплом лойиҳаси, диплом иши) раҳбарлик қилганлиги, хулосалар ёзганлиги тиббиёт ва фармацевтика олий таълим муассасаси буйруғи, ёзилган хулоса ва ишнинг ҳимояга тақдим этилганлиги асосида аниқланади.
11	Талабаларнинг битирув малакавий иши (диплом лойиҳаси, диплом иши, магистрлик диссертацияси) ҳимояси бўйича яқуний давлат аттестацияси комиссиясида иштирок этиш.	бир битирув малакавий иши (диплом лойиҳаси, диплом иши) учун - 0,4 соат; бир магистрлик диссертацияси учун - 0,8 соат. Профессор-ўқитувчига бериладиган бир кунлик ўқув ишлари юкмасаси ҳажми, одатда, 8 соатдан ошмаслиги лозим.	Аъзоларнинг яқуний давлат аттестацияси дастлабки аккредитация билан комиссияларидаги иштироки тиббиёт ва фармацевтика олий таълим муассасаси буйруғи ҳамда ҳимоя натижалари тўғрисидаги қайдномалар асосида аниқланади. Жами соат яқуний давлат аттестацияси дастлабки аккредитация билан комиссияларида иштирок этган ҳар бир аъзога берилади. Яқуний давлат аттестацияси дастлабки аккредитация билан комиссиялари ҳар бир мутахассислик кесимида ҳимоя қилаётган магистрлик диссертациялари ҳимоясига руҳсат берилади. Яқуний давлат аттестацияси дастлабки аккредитация билан комиссиялари таркибини олдиндан аниқлаш имконияти булмаган тақдирда, комиссиялар аъзоларига комиссия ўз ишини тугатгандан сўнг, соатбай ҳақ тўланади. Соатбай иш тури профессор-ўқитувчининг йиллик шахсий иш режасига киритилмайди.
12	Магистратура талабаларининг илмий педагогик фаолияти ва амалиётига раҳбарлик қилиш. Клиник ординатор (резидент)ларнинг ўқув (клиник) амалиётига раҳбарлик қилиш.	бир ўқув йилига битта талаба учун - 50 соат. бир ўқув йилига битта клиник ординатор (резидент) учун соатбай - 100 соат.	Профессор ёки фан доктори 5 нафаргача, доцент, фан номзоди ва мутахассис 3 нафаргача талабанинг илмий педагогик фаолияти ва амалиётига раҳбарликни амалга ошириши мумкин. Профессор, фан доктори, доцент, фан номзоди ва олий тоифали мутахассис 6 нафаргача клиник ординатор (резидент)нинг ўқув (клиник) амалиётига раҳбарликни амалга ошириши мумкин. Талабанинг илмий педагогик фаолиятига раҳбарлик қилганлик талабанинг календар иш режасидаги топшириқларни бажариши

13	Магистратура талабасининг магистрлик диссертацияси ва илмий-тадқиқот ишига раҳбарлик (илмий маслаҳатчилик) қилиш.	бир ўқув йилига битта талаба учун - 50 соат.	<p>билан аниқланади.</p> <p>Амалиётга раҳбарлик қилганлик олий таълим муассасасининг амалиёт ўташ бўйича буйруғи, талабанинг амалиёт кундалиги ва амалиёт учун баҳо қўйилган тегишли қайдномалар асосида аниқланади.</p> <p>Профессор ёки фан доктори 5 нафаргача, доцент, фан номзоди ва мутахассис 3 нафаргача талабанинг магистрлик диссертацияси ва стажировкасига (илмий маслаҳатчилик) раҳбарликни амалга ошириши мумкин. Мазкур иш турининг бажарилганлиги тиббиёт ва фармацевтика олий таълим муассасаси буйруғи, талабанинг календар иш режаси ва магистрлик диссертациясининг ҳимояга тақдим этилгани асосида аниқланади.</p> <p>Зарур ҳолларда (кафедрада профессор ва доцент етарли булмаганда) тиббиёт ва фармацевтика олий таълим муассасаси Қенгашининг қарорига асосан камида 5 йиллик илмий-педагогик иш стажига эга бўлган, бироқ илмий унвон ва илмий даражаси бўлмаган ўқитувчиларга бир ўқув йилида 3тагача магистрнинг педагогик амалиётига раҳбарлик қилишга руҳсат берилади.</p>
14	Бакалаврият таълим йўналишлари бўйича касбий (ижодий) имтиҳонларни, шунингдек магистратура ва клиник ординатура (резидентура) мутахассисликлари қабули жараёнида кириш синовларини ўтказиш комиссиясида, таянч докторант (PhD), докторант ва мустақил изланувчилар танлови комиссиясида ва малака имтиҳонинда иштирок этиш.	ёзма иш шаклида ўтказилганда бир оқим (абитуриентлар гуруҳи) учун - 3 соат; оғзаки шаклда ўтказилганда, битта абитуриент учун - 0,3 соат; тест шаклида ўтказилганда, бир оқим (абитуриентлар гуруҳи) учун - 1 соат; хар бир ёзма иш (ижодий иш)ни текшириш учун - 0,3 соат. Профессор-ўқитувчига бериладиган бир кунлик ўқув ишлари юкламаси ҳажми 8 соатдан ошмаслиги лозим.	<p>Бир оқим (абитуриентлар гуруҳи)да ёзма ишни ўтказиш жараёнида иштирок этган хар бир профессор-ўқитувчига 3 соатдан берилади.</p> <p>Ёзма иш шаклида ўтказилган имтиҳон ва синовларнинг жами соати ёзма ишни текширишда иштирок этган комиссия аъзолари сонига тенг бўлинади ҳамда улар ўртасида тенг тақсимланади.</p> <p>Оғзаки (тест) шаклида ўтказилган имтиҳон ва синовларнинг жами соати унда иштирок этган комиссиянинг хар бир аъзосига берилади.</p> <p>Қабул имтиҳонлари ва синовларида иштирок этганлик олий таълим муассасасининг тегишли буйруғи ва тегишли қайдномалар асосида аниқланади.</p> <p>Комиссия аъзолари таркибини олдиндан аниқлаш имконияти бўлмаган тақдирда, комиссия аъзоларига комиссия ўз ишини тутатгандан сўнг, соатбай ҳақ тўланади.</p> <p>Соатбай иш тури профессор-ўқитувчининг йиллик шахсий иш режасига киритилмайди.</p>
15	Олий таълим муассасасидаги докторант ва мустақил изланувчига илмий маслаҳатчилик қилиш	бир нафар докторант учун бир ўқув йилида - 100 соат; бир нафар мустақил изланувчи учун бир	<p>Фан доктори, профессор ва фан номзоди, доцент ўзи ишлаётган олий таълим муассасасида 3 нафаргача докторант ва мустақил изланувчига илмий маслаҳатчилик қилиши мумкин.</p>

		Ўқув йилида - 50 соат.	Илмий маслаҳатчи бўлганлик тиббиёт ва фармацевтика олий таълим муассасасининг тегишли буйруғи, докторант ва мустақил изланувчининг яқка тартибдаги иш режаси бажарилиши асосида аниқланади.
16	Очк, муаммоли, интеграциялашган маърузалар ва мастер - классларга тайёргарлик кўриш ва ўтказиш.	<p>бир академик соат очик лекция ва мастер-класс учун - 5 соат; очик, муаммоли, интеграциялашган маъруза учун бир ўқув йилида кўпи билан - 30 соат.</p> <p>Мастер-класс: олий таълим муассасаси микёсида ўтказилганда, бир ўқув йилида кўпи билан 30 соат; республика микёсида ўтказилганда, бир ўқув йилида кўпи билан 40 соат; халқаро микёсда ўтказилганда, бир ўқув йилида кўпи билан 60 соат.</p>	Тиббиёт ва фармацевтика олий таълим муассасаларида ўтказилган очик, муаммоли, интеграциялашган маъруза ва мастер-класслар тегишли режалар ва уларнинг ўтказилганлигини тасдиқловчи хужжатлар асосида аниқланади.
17	Қайта тайёрлаш ва малака ошириш курсларида ўқиш.	қайта тайёрлаш ва малака ошириш курсларида ўқиганлик учун - хафтасига 36 соатдан.	Қайта тайёрлаш ва малака ошириш курсларида ўқиганлигини тасдиқловчи хужжат асосида аниқланади. Малака ошириш курсларида ўқиган соат ҳажми ўқув юкларининг аудитория соатларидан айрилмайди.

Олий таълим муассасаси профессор-ўқитувчиларининг ўқув-услубий, илмий-тадқиқот ва “Устоз-шогирд” ишларини белгилаш Қоидаларига

2-ИЛОВА

Олий таълим муассасаси профессор-ўқитувчиларининг ўқув-услубий, илмий-тадқиқот ва “Устоз-шогирд” ишларини турлари

т/р	Иш турлари	Иш турларини амалга ошириш механизми (профессор-ўқитувчининг шахсий иш режасида қайд этиладиган тадбирлар)	Иш турларининг бажарилганлигини аниқлаш
I. Ўқув-услубий ишлар			
1	Янги маъруза матнлари, машк (масалалар) тўплами, лаборатория, ижодий ишлари бўйича услубий қўлланмаларни ишлаб чиқиш, ёзиш ва нашр этиш.	Янги маъруза матнлари, машк (масалалар) тўплами, лаборатория, ижодий ишлар бўйича услубий қўлланмалар яратиш	Тиббиёт ва фармацевтика олий таълим муассасаси Марказий услубий (илмий) кенгаши қарори билан нашр этишга тавсия этилган ишланмалар асосида аниқланади.
2	Таркатма ўқув материаллари, электрон ўқув дастурлар ва видео машгулотлар (фан доирасида), шунингдек тегишли компьютер дастурларидан фойдаланган ҳолда такдимот слайдлари, ўқитиш дастурларини тайёрлаш (яратиш).	Янги таҳрирдаги таркатма ўқув материалларини тайёрлаш; фан бўйича компьютер дастурларидан фойдаланган ҳолда такдимот слайдлари, ўқитиш дастурларини тайёрлаш; электрон ўқув дастурлар ва видео машгулотлар фан доирасида яратиш.	Тиббиёт ва фармацевтика олий таълим муассасасида жорий ўқув йилида қўлланилган материаллар (дастурлар) асосида аниқланади.
3	Дарслик, ўқув қўлланмалар ёзиш ва нашр этишга тайёрлаш.	Дарслик ва ўқув қўлланмаларни ёзиш ва нашрга тайёрлаш.	Тиббиёт ва фармацевтика олий таълим муассасаси Кенгаши (Марказий услубий кенгаш тавсияси асосида) қарори билан нашр этишга тавсия этилган дарслик ва ўқув қўлланма асосида аниқланади.
4	Дарслик, ўқув қўлланмаларни тўлдирилган ва ўзгартирилган ҳолда қайта нашр этиш.	Дарслик ва ўқув қўлланмаларга тегишли ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ва нашрга тайёрлаш.	Тиббиёт ва фармацевтика олий таълим муассасаси Кенгаши (Марказий услубий кенгаш тавсияси асосида) қарори билан нашр этишга тавсия этилган дарслик ва ўқув қўлланма асосида аниқланади.
5	Услубий қўлланма (кўрсатма, рисола)лар тайёрлаш ва нашр этиш.	Таълимга тегишли бўлган услубий қўлланма (кўрсатма, рисола)лар тайёрлаш ва нашр этиш.	Тиббиёт ва фармацевтика олий таълим муассасаси Кенгаши (Марказий услубий кенгаш тавсияси асосида) қарори билан нашр этишга тавсия

				этилган дарслик ва ўқув қўлланма асосида аниқланади.
6	Фаннинг ўқув-услубий мажмуасини ишлаб чиқиш ва фаннинг электрон модуль папкасини яратиш.	Фаннинг ўқув-услубий мажмуасини яратиш.		Ўқув жараёнида қўлланилган ишлар асосида аниқланади.
7	Мавжуд лаборатория ишини янгилаш.	Мавжуд лаборатория ишини янгилаш.		Кафедра йиғилиши баённомаси ва лаборатория иши бўйича жорий ўқув йилида тайёрланган янги услубий кўрсатмалар асосида аниқланади.
8.	Янги лаборатория ишини тайёрлаш ва жорий этиш, шунингдек виртуал лаборатория ишини тайёрлаш ва жорий этиш.	Янги лаборатория ишини тайёрлаш ва жорий этиш.		Кафедра йиғилиши баённомаси ва лаборатория иши бўйича жорий ўқув йилида тайёрланган янги услубий кўрсатмалар асосида аниқланади.
9	Бакалаврият таълим йуналиши (магистратура, клиник ординатура (резидентура) мутахассислиги) бўйича малака талаби, давлат талаби, намунавий ўқув режа, янги фан учун намунавий ўқув дастурларини ишлаб чиқиш.	Малака талаби, ўқув режа ва ўқув дастурини ишлаб чиқиш.		Жорий ўқув йили учун тасдиқланган малака талаби, намунавий ўқув режа ва дастурлар асосида аниқланади.
10	Ишчи ўқув режа, фан бўйича ишчи ўқув дастурини ишлаб чиқиш	Ишчи ўқув режа ва фан бўйича ишчи ўқув дастурини ишлаб чиқиш		Кафедра йиғилиши баённомаси ва кафедрада мавжуд бўлган, жорий ўқув йилида тайёрланган ишчи ўқув режа ва дастурлар асосида аниқланади.
11	Дарслик, ўқув қўлланмалар ва бошқа материалларни таржима қилиш.	Дарслик, ўқув қўлланма ва фан доирасида бошқа материалларни таржима қилиш.		Тиббиёт ва фармацевтикаОлий таълим муассасасининг тегишли буйруғи (Марказий услубий (илмий) кенгаш қарори асосида) билан жорий ўқув йилида тайёрланган таржима материаллари асосида аниқланади.
12	Фанлар бўйича назорат саволлари (тест, масалалар ва бошқа), оралик ва якуний баҳолашлар учун топшириқларни ишлаб чиқиш.	Оралик ва якуний баҳолашлар учун назорат саволлари (тест, масалалар ва бошқа), топшириқлар ишлаб чиқиш.		Ишлаб чиқилган ҳамда кафедра баённомаси билан жорий этилган топшириқлар тўплами асосида аниқланади.
II. Илмий-тадқиқот ишлари				
13	Илмий мақола, тезис тайёрлаш ва нашр этиш, ихтиро (патент), дастурий воситалар яратиш	Хорижий ва маҳаллий (ОАК руйхатидаги) илмий журналларда илмий мақолалар чоп этиш, ихтиро (патент) олиш, тезислар нашр этиш.		Жорий ўқув йилида тайёрланган ва нашр этилган ишлар асосида аниқланади.

		Ҳар бир илмий мақола, ихтиро ва тезислари ҳисобга олинади.		Ҳар бир илмий мақола, ихтиро ва тезислари ҳисобга олинади.
14	Монография ва рисола нашр этиш, ахборот таҳдидий материаллар тайёрлаш, ижодий ишлар яратиш	Монография ва рисола нашр этиш, ахборот таҳдидий материаллар тайёрлаш, ижодий ишлар яратиш		Жорий ўқув йилида нашр этилган (тайёрланган) ишлар асосида аниқланади.
15	Шахсий (тематик) ижодий асарлар каталогини нашр этиш, янги лойиҳалар яратиш	Шахсий (тематик) ижодий асарлар каталогини нашр этиш, янги лойиҳалар яратиш		Жорий ўқув йилида нашр этилган (яратилган) ишлар асосида аниқланади.
16	Дарслик, монография, рисола ва ўқув қўлланмаларига муҳаррирлик қилиш	Дарслик, монография, рисола ва ўқув қўлланмаларига муҳаррирлик қилиш	Дарслик, ўқув қўлланма, монография ва рисолалар.	Дарслик, монография ва ўқув қўлланма ҳамда рисолаларнинг жорий ўқув йилида нашр этилганлиги асосида аниқланади.
17	Тиббиёт ва фармацевтика олий таълим муассасаси Кенгаши томонидан тасдиқланган мавзу бўйича илмий-тадқиқот ишларини бажариш.	Тиббиёт ва фармацевтика олий таълим муассасаси Кенгаши томонидан тасдиқланган мавзу бўйича илмий-тадқиқот ишларини бажариш.	Раҳбар ёки маъсул ижрочи бўлганлиги ҳисобга олинади.	Ўқув йили давомида мавзу бўйича амалга оширилган тегишли илмий-тадқиқот ишлари асосида аниқланади. Хўжалик шартномалари доирасида тайёрланган ва давлат илмий-техник дастурларига мувофиқ бажарилаётган тадқиқот лойиҳалари бўйича бажарилган ишлар мазкур иш турига киритилмайди.
18	Дарслик, ўқув қўлланма, монография, рисола, илмий мақола, диссертация, автореферат ва бошқа ишларга тақриз ёзиш.	Дарслик, ўқув қўлланма, монография, рисола, илмий мақола, диссертация, автореферат ва бошқа ишларга тақриз ёзиш.	Дарслик, ўқув қўлланма, монография, диссертация, автореферат ёки рисола, илмий мақола, ва бошқа ишлар.	Жорий ўқув йилида ёзилган тақризлар асосида аниқланади.
19	Илмий журналлар таҳририятига аъзо бўлиш.	Илмий журналлар таҳририятига аъзо бўлиш.	Ҳар бир илмий журналлар таҳририятига аъзо бўлиш.	Нашр этилган илмий журналлар ва бошқа хужжатлар асосида аниқланади.
20	Талабаларнинг илмий-тадқиқот ва илмий-ижодий ишларига раҳбарлик қилиш.	Талабаларнинг илмий-тадқиқот ва илмий-ижодий ишларига раҳбарлик қилиш.	Талабаларнинг илмий-тадқиқот ва илмий-ижодий ишларига раҳбарлик.	Талабанинг илмий-тадқиқот ва илмий-ижодий ишлари (маъруза, мақола, тезис, шеърӣ тўплам ва бошқалар) нашр этганлиги асосида аниқланади.
21	Талабаларнинг фан ва илмий тўғарақларига раҳбарлик қилиш.	Талабаларнинг фан ва илмий тўғарақларига раҳбарлик қилиш.	Талабаларнинг фан ва илмий тўғарақларига раҳбарлик.	Тўғарақларга раҳбарлик қилганликни тасдиқловчи хужжатлар асосида аниқланади.
22	Илмий ёки услубий конференция ва семинарлар ташкил этиш.	Илмий ёки услубий конференция ва семинарлар ташкил этиш.	Илмий ёки услубий конференция ва семинарлар ташкил этилганлиги.	Илмий ёки услубий конференция ва семинарларнинг ўтказилганлигини тасдиқловчи маълумотлар.
23	Илмий ёки услубий кенгашларда иштироки.	Илмий ёки услубий кенгашларда иштироки.	Илмий ёки услубий кенгашларда аъзо бўлганлиги.	Илмий ёки услубий кенгашларда аъзо бўлганлигини тасдиқловчи маълумотлар.

III. “Устоз-шогирд” ишлари			
24	<p>Талаба тиббиёт ва фармацевтика олий таълим муассасасига ўқишга қабул қилинганда янги шароитга адаптация жараёнини ўташга ва олий таълим муассасасида бўлган чоғида вақтини тўғри тақсимлашга ёрдам бериш.</p>	<p>Талабалар тиббиёт ва фармацевтика олий таълим муассасасига қабул қилинганда улар билан танишиш ҳамда талабаларнинг шахсий хужжатлари йигма жилдини шакллантириш ва янгилаб бориш. Ўқишга қабул қилинган талабаларни олий таълим муассасаси ва унда мавжуд шароитлар билан таништириш. Талабаларни бўш вақтларини мазмунли ўтказиш бўйича иш режасини ишлаб чиқиш ва доимий назоратга олиш.</p>	<p>Талабаларнинг шахсий хужжатлари йигма жилдлари ва тасдиқловчи хужжатлар асосида аниқланади.</p>
25	<p>Талабанинг шахсий ва академик ютуқларини ривожлантириш мақсадида учрашувлар ўтказиш</p>	<p>Етуқ фан арболари, академиклар, иктидорли талабалар ҳамда иш берувчи ташкилотлар вакиллари билан талабаларнинг шахсий ва академик ютуқларини ривожлантиришга қаратилган учрашувларни ўтказиб бориш.</p>	<p>Учрашувларни тасдиқловчи хужжатлар (баёни, видео ёки фото лавҳалари) асосида аниқланади.</p>
26	<p>Талабалар баҳолаш тизими кандай олиб борилишини қай даражада англаганини ва қаердан таълим ва академик соҳада ёрдам олиши мумкин эканлигини назорат қилиш</p>	<p>Талабаларга баҳолаш тизими бўйича маълумотлар бериш. Уларга қаердан таълим ва академик соҳада ёрдам олиши мумкин эканлигини тушунтириш ва амалий ёрдам бериш.</p>	<p>Талабаларни фанлардан ўзлаштириш даражаси орқали аниқланади.</p>
27	<p>Ўқиш жараёнида шахсий ва академик муаммолар юзага келганда ва улар таълим олиш даражасига таъсир кўрсатса, уларни хал қилишда кўмаклашиш.</p>	<p>Талабалар билан шахсий ва академик муаммолари бўйича яқка тартибдаги суҳбатлар олиб бориш ҳамда мавжуд муаммоларини хал қилиш чораларини кўриш. Талабаларнинг фанларда ўзлаштиришларини доимий назорат қилиш ва дарс берувчи профессор-ўқитувчи билан мазкур масалани муҳокама қилиб бориш.</p>	<p>Гуруҳдаги талабаларнинг фанлардан ўзлаштириши ва бошқа фаолиятлари тахлили натижасида белгиланади.</p>
28	<p>Академик ёки касбий танлов қилишда тавсиялар бериш</p>	<p>Талабаларга академик ёки касбий йўлни танлаши учун кўмаклашиш ва уларга асосли маслаҳатлар бериб, уларни кизиқиш ва истақлари асосида тўғри йўналтирилишини таъминлаш.</p>	<p>Талабаларнинг олий таълим муассасасини битиргач соҳаси бўйича ишлаши мумкин бўлган корхона ва ташкилотлар хақида маълумотга эга бўлганлиги орқали аниқланади</p>
29	<p>Маъруза материалларни қайтариш ва</p>	<p>Ўзлаштиришдан орқада қолган талабалар</p>	<p>Ташкилий графикнинг мавжудлиги. Талабаларнинг ўзлаштириш даражаси орқали</p>

	мисолларни тақдим этган ҳолда уларни ёритиш.	Билан дарсдан бўш вақтларда график асосида ишлаш.	Белгиланади.
30	Талабаларнинг мутахассислик ва танлов фанларидан олган баҳолари ва ўзлаштирган билимлари уларнинг квалификацияцион даражаларига таъсирининг муҳимлиги ҳақида тушунчани шакллантириш.	Ўқув режасидаги фанларнинг муҳимлилик даражаси ҳамда малакали кадр бўлиб етишиши учун зарурлиги ҳақида тушунчалар бериш. Иш берувчи ташкилот ва корхоналар томонидан битирувчиларга куйиладиган талаблар билан доимий таништириб бориш.	Битирувчиларнинг касбга тайёргарлик ҳолати.
31	Бошқа талаба ва ўқитувчилардан ушбу талаба ҳақида маълумот олиши.	Талабанинг фаолиятини бошқа талаба ва ўқитувчилар орқали доимий билиб бориш ҳамда олинган маълумотлар асосида ушбу талаба билан ишлаш.	Талабани олий таълим муассасасидаги фаолияти бўйича маълумотларнинг мавжудлиги.
32	Талабаларнинг ота-оналари билан ишлаш.	Ота-оналар билан мулоқатга киришиши, улар билан талабанинг фаолиятини муҳокама қилиш ҳамда ота-оналар истагига кўра уларни талабалар билан ишлашини таъминлаш.	Талабаларнинг фаолиятини ота-оналар билан муҳокама қилинганлигини тасдиқловчи ҳужжатларни мавжудлиги.
33	Янги гоёларни таклиф қилиш, баҳс-мунозараларни давом эттириш, жумладан, ижтимоий баҳоларни муҳокама қилиш.	Факультет ва тиббиёт ва фармацевтика ОТМ Кенгашларида ҳамда таълим жараёнига бағишланган семинарларда талабалар фаолигини оширишга қаратилган таклифлар билан иштирок этганлиги.	Талабаларда янги гоёларни шаклланганлиги, улар ўртасида баҳс-мунозаралар асосида ўтказилган семинарлар ва давра суҳбатларини тасдиқловчи ҳужжатларни мавжудлиги.
34	Талабаларни ахборот билан таъминлаш ва интервью бериш.	Талабаларга доимий ахборотлар бериб боради ҳамда ОАВларида чиқишлар қилади.	Талабаларнинг янгиликлардан хабардорлиги ва ОАВларида чиқишлар қилганлиги.
35	Битирувчиларнинг ишини, шу жумладан, вақтни мониторинг қилиш ва музокараларни белгиланган режага мувофиқ амалга ошириш.	Битирувчиларни иш берувчи ташкилотлар билан доимий таништириб бориш, учрашувлар ташкил этиш ҳамда талабаларни корхона ва ташкилотларга ташрифини уюштириш.	Битирувчиларнинг ишга жойлашиш кўрсаткичлари орқали белгиланади.
36	Тиббиёт ва фармацевтика олий таълим муассасаларига кириш учун ўқувчи-ёшлар уртасида касбга йуналтириш ишларини олиб бориш.	Касбга йуналтириш ишларини олиб бориш режалаштирилган тадбирлар номи ва муддати.	Тиббиёт ва фармацевтика олий таълим муассасаси (факультет) кенгаши томонидан тасдиқлаган (режага киритилган) ишлар натижаси бўйича ҳисоботлар асосида аниқланади.
37	Талабаларни Ўзбекистон Республикаси Президентининг давлат стипендияларига, давлат стипендияларига, халдаро ва	Тайёрлайдиган талаба (лар) Ф.И.О., гуруҳи ва курси.	Бир профессор-ўқитувчига кўли билан 2 нафар талаба бириктирилади. Мазкур иш турининг бажарилиши жорий ўқув йилида талабанинг Ўзбекистон Республикаси Президентининг давлат стипендиялари, давлат

	республика олимпиадалари, танловлари, мусобакаларига тайёрлаш.		стипендиялари, халқаро ва республика олимпиадалари, танловлари, мусобакалари иштирокчиси бўлганлиги ҳамда унга профессор-ўқитувчининг бириктирилганлигини тасдиқловчи ҳужжатлар асосида аниқланади.
38	Спорт, маданий-маърифий ва ижодий тадбирларни ташкил этиш ва ўтказиш.	Ташкил этиш ва ўтказиш режалаштирилган тадбир номи ва муддати.	Олий таълим муассасасининг Маънавият ва маърифат бўлими томонидан ишлаб чиқилган режа ва бажарилган ишлар бўйича тақдим этилган ҳисобот асосида аниқланади.
39	Талабаларнинг ижодий ишлари кўргазмаларида уларнинг ишланмалари ва иштирокига раҳбарлик қилиш	Раҳбарлик қилиш режалаштирилган талаба (лар) гуруҳи, сони ва муддати.	Талабаларнинг ижодий ишлари кўргазмаларида профессор-ўқитувчининг иштирокини тасдиқловчи ҳужжатлар асосида аниқланади.
40	Ташкилотларда маърузалар қилиш, оммавий ахборот воситаларида чиқишлар қилиш, шу жумладан ҳуқуқий тарғибот ишларини амалга ошириш.	Чиқиш, (маъруза)лар қилиш режалаштирилган тадбирлар номи ва муддати.	Тиббиёт ва фармацевтика олий таълим муассасасининг Маънавият ва маърифат бўлимига топширилган чиқишлар (маърузалар) қилинганлиги, шу жумладан ҳуқуқий тарғибот ишлари амалга оширилганлигини тасдиқловчи ҳужжатлар (маълумотлар, видео тасвирлар ва бошқалар) асосида аниқланади.

**Тиббиёт ва фармацевтика олий таълим йўналишлари ва
мутахассисликларининг давлат таълим стандартлари асосида
модул дастурлари тузилмаси, уларни ишлаб чиқиш ва татбиқ этиш**

ТАРТИБИ

I. Умумий қоидалар

1. Тиббиёт ва фармацевтика олий таълим йўналишлари ва мутахассисликларининг давлат таълим стандартлари асосида модул дастурларини ишлаб чиқиш ва татбиқ этиш тартиби (кейинги ўринларда “Тартиб” деб юритилади) Ўзбекистон Республикасининг “Таълим тўғрисида”ги Қонуни ва Кадрлар тайёрлаш миллий дастури, Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Тиббиёт ва фармацевтика таълими ва илм-фани тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида” 2019 йил 6 майдаги ПҚ-4310-сонли қарори ва бошқа қонун ҳужжатлари асосида ишлаб чиқилган.

2. Мазкур Тартиб асосида ишлаб чиқилган модул дастурлари (кейинги ўринларда “Модул дастури” деб юритилади) Республика тиббиёт ва фармацевтика олий таълим муассасалари учун меъёрий-услубий ҳужжат ҳисобланиб, модуллар бўйича ишчи ўқув дастурларини ишлаб чиқиш ва расмийлаштиришда намунавий модул дастурлари сифатида қўлланилади ҳамда тегишли модул бўйича таълим-тарбия жараёнини ташкил этиш ва ўтказилишига қўйиладиган талабларни белгилайди.

3. Тиббиёт ва фармацевтика олий таълим йўналишлари ва мутахассисликлари Классификаторига тегишли ўзгартиришлар киритилиши ёки бошқа сабабларга кўра давлат таълим стандартлари ва ўқув режалари қайта тасдиқланганда ҳамда тиббиёт олий таълим муассасалари томонидан киритилган таклифлар асосида модул дастурлари қайта ишлаб чиқилади ва Соғлиқни сақлаш вазирлигига тасдиққа киритилади.

II. Модул дастурининг мақсади ва вазифаси

4. **Модул дастурининг асосий мақсади** – давлат таълим стандартлари ва малака талабларида бакалавр ва магистрнинг билими, кўникма ва малакаларига қўйилган талабларга мувофиқ ўқув режага киритилган муайян модул томонидан меҳнат бозори талабларига жавоб берадиган мутахассисларни сифатли тайёрлаш учун шакллантирилиши зарур бўлган билим, кўникма ва малакалар мажмуини белгилаш, модул мазмуни ва таркибий қисмларини тартибга солиш.

5. Модул дастурининг асосий вазифалари:

модулга оид ўқув материаллар мазмуни ва тузилмасини мақбул ҳолатга келтириш ва оптималлаштириш, ўқув машғулотлар мавзуларининг мантиқий кетма-кетлигини ҳамда бошқа фанлар билан мазмунан ва мантиқий боғлиқлигини таъминлаш;

узлуксиз таълим тизимининг таълим турлари ўртасидаги узвийлик ва узлуксизлигини, шунингдек, модулнинг мазмун ва мавзулари бошқа таълим турларидаги ҳамда турдош йўналишлардаги модулларнинг мазмунан ва мавзулари билан такрорланмаслигини таъминлаш;

модулга оид жаҳондаги илм-фан, техника, технологияларнинг сўнгги ютуқларини, илғор ҳорижий тажрибаларни кенг ёритиш ва уларни ҳисобга олган ҳолда модул мавзуларини шакллантириш;

таълим шакли ва ўқув модулга ажратилган вақтга мувофиқ ўқув материалларни мавзулар ва ўқув машғулотлар турлари бўйича тақсимлаш;

модулни ўзлаштириш, талабаларда модулга оид касбий билим ва кўникмаларни шакллантириш учун зарур ўқув-услубий шартлар, ўқув адабиётлар ва дидактик материалларни белгилаш;

баҳолаш воситалари ёрдамида талабалар билимини назорат қилиш шакллари белгилаш.

6. Модул дастури унинг асосий мақсади ва вазифаларига тўлиқ амал қилинган ҳолда ишлаб чиқилиши талаб этилади.

III. Модул дастурларининг мазмуни ва таркиби

7. Модул дастури таълим жараёнининг муҳим меъёрий-услубий ҳужжати бўлиб, унда ўқув материаллар маъруза, семинар, коллоквиум, амалий ва лаборатория машғулотлари, ўқув ва ишлаб чиқариш амалиётлари шаклида мантиқий кетма-кетликда жорий этилиши, фанни ўқитишда зарур ҳолларда курс лойиҳаси, курс иши, мустақил иш, чизма-ҳисоб, лаборатория ва бошқа ишлар уларга ажратилган вақт меъёрларига мослигини таъминланган ҳолда қўлланилиши кўзда тутилади.

8. Модул дастури қуйидаги **таркибий қисмлардан** иборат:

модул дастурининг титул варағи ва унинг сирт тарафидаги маълумотлар;

ўқув модулининг долзарблиги ва олий касбий таълим дастуридаги ўрни;

ўқув модулининг мақсади ва вазифаси;

асосий қисм:

модулдаги маъруза машғулотлари мавзулари ва мазмуни, ташкил этиш бўйича кўрсатма ва тавсиялар;

модулдаги амалиёт (семинар, лаборатория) машғулотлари мавзулари, ташкил этиш бўйича умумий кўрсатма ва тавсиялар;

мустақил таълим ва мустақил ишлар, ташкил этиш бўйича кўрсатма ва тавсиялар;

ишлаб чиқариш амалиётини ташкил этиш бўйича кўрсатма ва тавсиялар;

асосий ва қўшимча ўқув адабиётлар ҳамда ахборот манбаалари.

Модул дастурининг тузилмаси 4.1-иловада келтирилган.

9. Модул дастурининг **титул варағида** вазирлик номи, тиббиёт олий таълим йўналишлари ва мутахассисликлари Классификаторига мувофиқ тегишли билим, таълим соҳалари ва таълим йўналиш (мутахассислик)ларнинг шифри ва номлари, ҳаракатдаги ўқув режага мувофиқ модулнинг тўлиқ номи, рўйхатга олинган ва тасдиқланган саналари ва белгилари кўрсатилади.

10. Модул дастури **титул варағининг сиртки тарафида** уни ишлаб чиққан тиббиёт ва фармацевтика олий таълим муассаси номи, тузувчилар исми, фамилияси, иш жойи, лавозими, илмий даража ва унвонлари, модул дастури кўриб чиқилган олий таълим муассасаси Кенгаши баёнининг рақами ва санаси, маъқулланган Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳузуридаги тиббиёт ва фармацевтика узлуксиз касбий таълими Мувофиқлаштирувчи Кенгашнинг баёни рақами ва саналари, тасдиқлаган вазирлик буйруғи келтирилади.

11. **Ўқув модулининг долзарблиги ва олий касбий таълим дастуридаги ўрни.** Тегишли йўналишлар бўйича мутахассислар тайёрланишида ўқув модулининг долзарблиги ва аҳамияти, касбий фаолиятдаги ўрни ва ишлатилиши, мутахассис учун муҳимлиги аниқ ва лўнда ёритилади.

Модул ўқув режанинг қайси блокига тааллуқлиги, уни ўқитиш учун қайси модуллар назарий замин бўлиб хизмат қилиши ҳамда модулнинг ўзи қайси модуллар учун назарий (илмий) замин бўлиб хизмат қилиши кўрсатилади. Шунинингдек, модулни ўзлаштириш учун талаба қандай билим, кўникма ва малакаларга эга бўлиши ҳамда ўқув модули тайёрлов йўналишининг бошқа қисмлари билан мантиқий ва мазмуний боғлиқлиги қисқа баён қилинади. Ушбу қисм ҳажми 120 сўздан ортмаслиги тавсия этилади.

12. **Ўқув модулининг мақсади ва вазифаси.** Ўқув модулини ўқитишдан мақсад ва унинг асосий вазифалари тегишли йўналиш бўйича мутахассис тайёрлаш вазифаларига боғланган ҳолда баён этилади. Мақсадлар ифодаланишида кутилаётган натижалар кўрсатилиши, лозим, бунда “шакллантиради”, “замин яратади” каби иборалар ишлатилиши мақсадга мувофиқ.

Белгиланган мақсадларга эришишга қаратилган ўқув модулининг вазифалари ифодаланади. Булар модулни ўқитишда мақсадга эришиш усуллари ва йулларини баён қилиши лозим, бунда “ўзлаштириш”, “кўникмаларга эга бўлиш”, “малакаларга эга бўлиш” каби иборалар ишлатилиши ўринлидир.

Шунингдек, мазкур қисмда таълим йўналиши бўйича талабалар эгаллаши лозим бўлган билим, кўникма ва малакалар доирасида ушбу модул бўйича талабалар эгаллаши зарур бўлган билим, кўникма ва малакалар баён қилинади. Ушбу қисм ҳажми 120 та сўздан ортмаслиги тавсия этилади.

13. **Асосий қисм. Модулдаги маъруза машғулотлари мавзулари ва мазмуни, ташкил этиш бўйича умумий кўрсатма ва тавсиялар.** Ўқув модули доирасида бериладиган мавзулар мантиқий кетма-кетликда

келтирилади. Ҳар бир мавзунинг моҳияти асосий тушунчалар ва қисқа ифодалар орқали очиб берилади. Бунда мавзу буйича талабаларга давлат таълим стандарти ва малака талаблари асосида етказилиши зарур булган билим ва кўникмалар қамраб олиниши лозим. Модулнинг мазмун ва мавзулари бошқа таълим турларидаги ҳамда турдош йўналишлардаги модулларнинг мазмун ва мавзулари билан такрорланмаслигини қатъий назорат қилиш талаб этилади. Маъруза машғулотларини ташкил этиш буйича қисқача кўрсатма ва тавсиялар келтирилади.

Шунингдек, мавзуларнинг долзарблиги, уларнинг иш берувчилар талаблари ва ишлаб чиқариш эҳтиёжларига мослиги, соҳага оид жаҳон тажрибалари, фан ва технологияларнинг сўнгги ютуқлари қатъий эътиборга олиниши зарур. Маъруза машғулотлари оддий матн шаклида қисқа ва аниқ тарзда, мавзу номлари қалинлаштирилган шрифт билан ажратилган кўринишда, ҳажми ўқув режада ажратилган вақт ҳажмига мос равишда берилиши тавсия этилади.

14. Асосий қисм. Модулдаги амалий (семинар, лаборатория) машғулотлари мавзулари, ташкил этиш буйича кўрсатма ва тавсиялар. Ўқув модулининг моҳияти ва назарий мавзуларига мос равишда:

амалий (семинар, лаборатория) машғулотларининг мавзулар рўйхати келтирилади мантиқий кетма-кетликда келтирилади. Ушбу машғулотларни ўтказиш буйича кўрсатма ва тавсиялар ёритилади - шакллари, унда қўлланиши тавсия этиладиган технологиялар, зарур ҳолларда муҳокама этиладиган мавзулар, масалалар вариантлари, “кейс”лар, фаол ва интерактив усуллар ишлатилиши;

лаборатория ишларининг рўйхати, мазмуни, мақсади, ишлатиладиган жиҳозлар ва ашёлар рўйхати ҳамда модул моҳиятидан келиб чиқадиган кўникмалар рўйхати ва бошқа маълумотлар ёритилиши лозим;

ўқув модули буйича ўқув (клиник) амалиёти кўзда тутилган ҳолда модул дастурининг ушбу қисми ёритилади. Ташкил этиш буйича кўрсатма ва тавсияларни ёритишда амалий кўникмалар ва компетенциялар рўйхати, уларни эгаллаш жараёни юзасидан услубий кўрсатмалар берилади. Бунда ўқув (клиник) амалиёти моҳияти, касбий таълим дастуридаги ўрни, тегишли йўналиш ва мутахассислик буйича кадрлар тайёрлашнинг ўзига ҳос тарафлари, тегишли йўналишга оид жаҳондаги илғор тажрибалар, замонавий техника ва технологиялар ҳисобга олиниши зарур. Ўқув амалиётини ўтказиш буйича кенгайтирилган услубий кўрсатмалар тегишли кафедралар томонидан ишчи дастурда батавсил ёритилади, ёки алоҳида услубий қўлланма кўринишида ишлаб чиқилиши мақсадга мувофиқ.

Мазкур қисм ҳажми ўқув модулининг моҳияти ва унга киритиладиган зарурий маълумотлар ҳажмига боғлиқдир.

15. Муस्ताқил таълим ва муस्ताқил ишларни, ташкил этиш буйича кўрсатма ва тавсиялар. Муस्ताқил таълим-профессор-ўқитувчилар томонидан аудиторияда талабаларга етказиладиган

мавзулардан ташқари ўқув модулининг мазмунига кирувчи ва алоқадор мавзулар, масалалар, ахборотларни мустақил ўрганиш ва ўзлаштиришга қаратилган муҳим таълим жараёнидир. Талаба мустақил таълимнинг асосий мақсади-аудиториядан ташқари вақтда ўқитувчининг бевосита ва билвосита раҳбарлиги ҳамда назоратида муайян ўқув ишларини мустақил равишда бажариш учун билим ва кўникмаларни шакллантириш ҳамда ривожлантиришдан иборатдир.

Мазкур қисмда мустақил ишларнинг мавзулар рўйхати, мустақил таълимнинг шакли ва мазмуни, мустақил ишга мўлжалланган мавзулар ва топшириқлар келтирилади. Мустақил машғулотлар жараёнида талабалар томонидан тайёрланиши зарур бўлган якуний ишлар шакли (реферат, эссе, мустақил (ижодий) иш, муаммоли маъруза, симмуляцион марказда ишлаш, навбатчилик туриш ва бошқалар) кўрсатилади.

Шунингдек, талабаларнинг мустақил ишлари туркумига кирувчи курс лойиҳаси, курс иши, чизма-ҳисоб ва бошқа ишларининг мавзу ва мазмуни, бажариш бўйича қисқа услубий кўрсатмалар келтирилади. Мазкур мустақил ишларнинг кенгайтирилган мавзулари ва уларни бажариш бўйича услубий кўрсатмалар тегишли кафедралар томонидан алоҳида услубий кўрсатма кўринишида ишлаб чиқилиши мақсадга мувофиқ. Мазкур қисм ҳажми ўқув модулининг моҳияти ва унга киритиладиган зарурий маълумотлар ҳажмига боғлиқдир.

16. Ишлаб чиқариш амалиётини ташкил этиш бўйича кўрсатма ва тавсиялар. Ўқув режада ўқув модули бўйича ишлаб чиқариш амалиёти кўзда тутилган ҳолда модул дастурининг ушбу қисми ёритилади. Ишлаб чиқариш амалиётларининг мақсади ва моҳияти, шакли ва мазмуни, амалиёт жараёнида талабалар томонидан тайёрланиши зарур бўлган якуний ишлар шакли юзасидан қисқа услубий кўрсатмалар берилади. Бунда ўқув модулининг моҳияти, касбий таълим дастуридаги ўрни, тегишли йўналиш ва мутахассислик бўйича кадрлар тайёрлашнинг ўзига ҳос тарафлари, тегишли йўналишга оид жаҳондаги илғор тажрибалар, замонавий техника ва технологиялар ҳисобга олиниши зарур.

Ишлаб чиқариш амалиётларини ўтказиш бўйича кенгайтирилган услубий кўрсатмалар тегишли кафедралар томонидан алоҳида услубий қўлланма кўринишида ишлаб чиқилиши мақсадга мувофиқ. Мазкур қисм ҳажми ўқув модулининг моҳияти ва унга киритиладиган зарурий маълумотлар ҳажмига боғлиқ бўлиб, 80 та сўздан ортмаслиги тавсия этилади.

17. Асосий ва қўшимча ўқув адабиётлар ҳамда ахборот манбаалари. Фойдаланиладиган асосий дарсликлар ва ўқув қўлланмалар ҳамда қўшимча адабиётлар рўйхатини келтиришда замонавий хорижий ва маҳаллий адабиётлардан, интернет, турли ахборот коммуникация ресурсларидан, ҳимоя килинган диссертациялар, монография, замонавий диагностика ва даволаш стандартлари, алгоритмлари (магистратура талабалари учун) ҳамда бошқа ўқув, илмий ва услубий маълумотлар

манбаларидан кенг фойдаланиш тавсия этилади.

IV. Модул дастурини ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш тартиби

18. Модул дастурларини ишлаб чиқиш учун тиббиёт ва фармацевтика олий таълим муассасасининг етакчи профессор-ўқитувчилари таркибидан ишчи гуруҳ тузилади. Ишчи гуруҳига барча тиббиёт ва фармацевтика олий таълим муассасаларининг етакчи профессор-ўқитувчилари ҳам киритилиши мумкин. Ишчи гуруҳлари тармоқ илмий тадқиқот муассасалари, тегишли соҳанинг ишлаб чиқариш корхона, ташкилот ва муассасаларининг етук мутахассислари билан яқин ҳамкорлик асосида модул дастури лойиҳасини ишлаб чиқади.

19. Модул дастурларининг давлат таълим стандартлари, малака талаблари ва мазкур Тартибга мос ҳолда ишлаб чиқилишига маъсул этиб белгиланган тиббиёт ва фармацевтика олий таълим муассасаси жавобгар ҳисобланади.

20. Модул дастури ишлаб чиқилишида мамлакат иқтисодиётини реал сектори ривожланиши тенденцияларини, жаҳондаги илм-фан, техника ва технологияларнинг энг сўнги ютуқларининг ҳисобга олиш, таълим жараёнини оптималлаштириш, замонавий педагогик ва ахборот технологиялар, модулни талабалар томонидан самарали ўзлаштиришига хизмат қиладиган бошқа воситаларни кенг қўллаш, “оддийдан мураккабга”, “хусусийдан умумийга” каби тамойилларга амал қилиш зарурдир.

21. Модул дастурларига ўқув жараёни учун зарур техник воситалар, ахборот-ресурс марказидаги тегишли ўқув адабиётлар, дидактик материаллар, ўқув ва илмий жиҳозлар, ашёлар ва бошқа моддий-техник воситалар тўғрисида маълумотлар киритилиши мақсадга мувофиқ.

22. Модул дастурининг матни А-4 форматли стандарт варақларда, Times New Roman шрифтнинг 14-ўлчамида, 1,15 интервалда, чап ва ўнг томонидан-20, пастидан-25, юқоридан-20 мм ўлчамида хошияланган ҳолатда босиб чиқарилади. Бетларни рақамлаш варақ пастки қисмининг марказида жойлаштирилади.

23. Модул дастурларини ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш қуйидаги тартибда амалга оширилади:

тиббиёт ва фармацевтика олий таълим муассасаларининг етакчи профессор-ўқитувчилари таркибидан тузилган ишчи гуруҳлар томонидан модул дастурининг лойиҳаси тайёрланади;

тайёрланган модул дастурининг лойиҳасига фаннинг етук мутахассислари, таълим йўналиши бўйича тиббиёт ва фармацевтика олий таълим муассасалари, тегишли соҳа корхона, ташкилот ва муассасаларининг тақризлари ҳамда тиббиёт олий таълим муассасалари Ректорлар райёсати қошидаги Монотематик комиссия хулосаси олинади; тиббиёт ва фармацевтика олий таълим муассасасининг кенгашида

модул дастурининг лойиҳаси атрофлича муҳокама қилинади ва тасдиқлашга тавсия этилса, бу тўғрисида кенгаш баёни расмийлаштирилади;

модул дастурининг лойиҳаси экспертизадан ўтказиш учун тиббиёт ва фармацевтика олий таълим муассасаси ректорининг хати билан Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги қошидаги Тиббий таълимни ривожлантириш Марказига киритилади. Киритилаётган хужжатларга тақризлар, тиббиёт ва фармацевтика олий таълим муассасаси кенгашининг баёни ҳамда тиббиёт олий таълим муассасалари Ректорлар раёсати қошидаги Монотематик комиссия хулосаси илова қилинади;

Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги қошидаги Тиббий таълимни ривожлантириш Маркази модул дастурлари лойиҳаларини Соғлиқни сақлаш вазирлиги хузуридаги тиббиёт ва фармацевтика узлуксиз таълими муассасалараро Мувофиқлаштирувчи Кенгашнинг мажлисига муҳокама ва тасдиқлаш учун тақдим этади. Муҳокама натижасида ижобий деб топилган ва тасдиқланган модул дастурлари тасдиқланади;

тасдиқланган модул дастурлари белгиланган тартибда расмийлаштирилади, бир нусҳаси Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг Тиббий таълимни ривожлантириш марказида, яна бир нусҳаси ишлаб чиқилишига масъул этиб белгиланган тиббиёт олий таълим муассасасида сақланади.

24. Тасдиқланган ва рўйхатга олинган модул дастурларининг электрон ёки кўчирма нусҳалари тааллуқлиги бўйича тиббиёт ва фармацевтика олий таълим муассасаларига етказилади.

V. Ишчи модул дастури

25. Таълим жараёнини бевосита жойларда мақсадли ташкил қилиш ва машғулотлар тизимли тартибга солиш мақсадида модул дастури асосида **модулнинг ишчи ўқув дастури** (кейинги ўринларда “ишчи модул дастури” деб юритилади) ишлаб чиқилади.

26. Ишчи модул дастурлари тиббиёт ва фармацевтика олий таълим муассасалари томонидан ҳар бир ўқув йили учун ишлаб чиқилади ва тиббиёт ва фармацевтика олий таълим муассасасининг кенгаши қарори билан тасдиқланади.

27. Ишчи модул дастури куйидаги таркибий қисмлардан иборат:
модул дастурининг титул варағи ва унинг сирт тарафидаги маълумотлар;

ўқув модули ўқитилиши бўйича услубий кўрсатмалар;
модулни ўқитиш давомида режалаштирилган натижалар;
модул тузилмаси;
мустақил таълим ва мустақил ишлар;
ишлаб чиқариш амалиёти;

модул бўйича талабалар билимини назорат қилиш ва баҳолаш мезонлари;

асосий дарслик ва ўқув қўлланмалар, қўшимча адабиётлар ва бошқа ахборот манбаалари рўйхати.

Ишчи модул дастури тузилмаси 4.2-иловада келтирилган.

28. Ишчи модул дастурининг **титул варағида** вазирлик номи, тиббиёт ва фармацевтика олий таълим муассасаси номи, кафедра номи, Тиббиёт олий таълим йўналишлари ва мутахассисликлари классификаторига мувофиқ тегишли таълим соҳаси, таълим йўналиши (мутахассислик)ларининг шифри ва номлари, ўқув режага мувофиқ модулнинг тўлиқ номи, тасдиқланган санаси ва белгилари (муҳр).

29. Ишчи модул дастури **титул варағининг сиртки тарафида** унга асос бўлган модул дастури тасдиқланган вазирлик буйруғи, уни тасдиқлаган тиббиёт ва фармацевтика олий таълим муассасаси кенгаши баёнининг сони ва санаси, ишчи модул дастурининг тузувчилари исми, фамилияси, лавозими, илмий даража ва унвонлари, такризчилар исми, фамилияси, иш жойи, лавозими, илмий даража ва унвонлари, тиббиёт ва фармацевтика олий таълим муассасасининг тегишли факультети декани, ўқув-услубий бўлими бошлиғи ва кафедра мудирининг имзолари ўз аксини топиши лозим.

30. **Ўқув модули ўқитилиши бўйича услубий кўрсатмалар.** Модул дастуридаги асосий масалалар, модулни ўқитиш билан боғлиқ услубий кўрсатмалар қисқа берилади.

31. **Модулни ўқитиш давомида режалаштирилган натижалар.** Ўқув модулини ўқитишдан мақсад ва унинг асосий вазифалари тегишли йўналиш бўйича мутахассис тайёрлаш вазифаларига боғланган ҳолда баён этилади. Мақсадлар ифодаланишида кутилаётган натижалар кўрсатилиши, лозим, бунда “шакллантиради”, “замин яратади” каби иборалар ишлатилиши мақсадга мувофиқ.

Белгиланган мақсадларга эришишга қаратилган ўқув модулининг вазифалари ифодаланади. Булар модулни ўқитишда мақсадга эришиш усуллари ва йўналиш баён қилиши лозим, бунда “ўзлаштириш”, “кўникмаларга эга бўлиш”, “малакаларга эга бўлиш” каби иборалар ишлатилиши ўринлидир.

Шунингдек, мазкур қисмда таълим йўналиши бўйича талабалар эгаллаши лозим бўлган билим, кўникма ва малакалар доирасида ушбу модул бўйича талабалар эгаллаши зарур бўлган билим, кўникма ва малакалар, компетенциялар баён қилинади.

32. **Модул тузилмаси.** Модулга ажратилган умумий ҳамда семестрлар ва машғулотлар кесимида соатлар ҳажми, назорат тури ва шакли, кредит ҳажми жадвалда кўрсатилади. Модул бўйича машғулотлар 50% назарий (маъруза ва амалий машғулот) ва 50% амалий қисм (ўқув клиник амалиёт)дан иборат бўлган ҳолда ўтказилади. Амалий машғулотнинг назарий ва амалий қисми ўзаро боғлиқ ҳолда ўтказилади.

Маъруза машғулотлари. Ўқув модулининг мавзулари модул

дастурига катъий амал қилган ҳолда мантиқий кетма-кетликда оддий жадвал шаклида келтирилади. Ҳар бир мавзу кетма-кет рақамланади, унга ажратилган соат ва маърузада эгалланиши шарт бўлган компетенциялар кўрсатилади. Жадвал тагидаги охирги катакда маърузаларга ажратилган умумий соатлар ҳажми кўрсатилади, ушбу рақам ўқув режадаги билан тўлиқ мос келиши шарт. Маъруза машғулотларини ташкил этиш шакли, тури, жиҳозланиши ва сифатли ўтказилиши учун керакли жиҳозлар, бошқа маълумотлар келтирилади.

Амалий (семинар, лаборатория) машғулотлари. Ўқув режа, модул дастури, ўқув модулининг моҳияти ва назарий мавзуларига мос равишда амалий (семинар, коллоквиум, лаборатория ва бошқа) машғулотлар жадвал шаклида келтирилади. Ҳар бир мавзу кетма-кет рақамланади ва унга ажратилган соат (назарий ва амалий) кўрсатилади. Жадвал тагидаги охирги катакда ушбу машғулотларга ажратилган умумий соатлар ҳажми кўрсатилади, мазкур рақам ўқув режадаги билан тўлиқ мос келиши шарт. Бундан ташқари, бу жадвалда ҳар бир амалий (семинар, лаборатория) машғулот давомида эгалланиши шарт бўлган амалий кўникмалар ва компетенциялар кўрсатилади. Ишчи модул дастурининг ушбу қисмида фақат ўқув режа ва модул дастурида кўзда тутилган машғулотлар туғри қайд этилади.

Шунингдек, жадвалда амалий (семинар, лаборатория) машғулотларда ишлатиладиган ўқув-услубий таъминот: ўқув, услубий қўлланмалар, видеофильмлар, анимациялар, атласлар, ахборот ва педагогик технологиялар, вазиятли масалалар вариантлари, “кейс”лар, фаол ва интерфаол усуллар, машғулотлар бўйича талабаларнинг якуний ишлари, ҳисобот турлари ҳамда модул моҳиятидан келиб чиқадиган бошқа маълумотлар аниқ ёритилиши шарт.

Ўқув модули бўйича ўқув (клиник) амалиётини ташкил этиш ва амалий кўникмаларни эгаллаш бўйича амалий кўникмалар номи, уларни бажарилиш сони, бажариш учун зарур таъминот: шакли, у қаерда ва қандай тартибда ўтилиши, асбоб-ускуналари, жиҳозлари ва ашёлар рўйхати, жиҳозлар, мультимедиа курилмалари, кенгайтирилган кўрсатма ва тавсияларни ёритишда ва уларни эгаллаш жараёни юзасидан услубий кўрсатмалар берилади, бажариш алгоритмлари келтирилади.

Курс иши (лойихаси) бўйича ўқув режа ва модул дастурига мувофиқ курс лойихаси, курс иши, чизма-ҳисоб ва бошқа мустақил ишларининг мавзу ва мазмуни, бажариш бўйича зарур услубий кўрсатмалар, расмийлаштириш, топшириш шакли ва тартиби келтирилади.

33. Мустақил таълим ва мустақил ишлар. Мазкур қисмда мустақил таълимнинг шакли ва мазмуни, мустақил ўзлаштиришга мўлжалланган мавзулар ва топшириқлар келтирилади. Ҳар бир мавзу кетма-кет рақамланади ва унга ажратилган соат кўрсатилади. Жадвал тагидаги охирги катакда ушбу машғулотларга ажратилган умумий соатлар ҳажми кўрсатилади, мазкур рақам ўқув режадаги билан тўлиқ мос тушиши шарт. Мустақил машғулотлар жараёнида талабалар

томонидан тайёрланиши зарур бўлган якуний ишлар шакли (реферат, эссе, мустақил (ижодий) иш, муаммоли маъруза, амалиёт базаларида навбатчилик, симуляцион марказларда мустақил ишлаш ва бошқалар) ва уни топшириш (ҳимоя қилиш) тартиби аниқ кўрсатилади. Жадвалда мавзунини ўзлаштириш якунида қандай компетенцияларга эришиш кераклиги кўрсатилади. Мустақил таълимни амалга ошириш учун тавсия этиладиган ўқув-услубий таъминот кенг ёритилади.

Модул бўйича курс иши (лойиҳаси) (*мавжуд бўлган ҳолларда ёритилади*). Модул бўйича курс иши (лойиҳаси) мавзулар рўйхати, шакллари, тавсия этиладиган ўқув-услубий таъминот: қўлланмалар, адабиёт ва ҳ.к. ёритилади.

34. Ишлаб чиқариш амалиётлари. Ўқув режа ва модул дастурида кўзда тутилган ҳолда ишчи модул дастурининг ушбу қисми ёритилади. Ишлаб чиқариш амалиётининг мақсади ва вазифаси, шакли ва мазмуни, у қаерда ва қандай тартибда ўтилиши, амалиёт жараёнида талабалар томонидан тайёрланиши зарур бўлган якуний ишлар шакли юзасидан зарурий услубий кўрсатмалар берилади.

35. Модул бўйича талабалар билимини назорат қилиш ва баҳолаш мезонлари. Ўқув модулининг мазмуни ва моҳиятидан келиб чиқиб, машғулотлар жараёни ва якунида талабалар билимини баҳолаш мезонлари ва назорат тартиби кўрсатилади. Баҳолаш мезонлари модул дастурида белгиланган ушбу модул бўйича талабалар эгаллаши зарур бўлган билим, кўникма ва малакалар асосида ишлаб чиқилади. Талабалар билимини баҳолаш ва назорат қилиш тартибига талабалар томонидан бажариладиган мустақил ишлар ва вазифалар баҳоланиши тартиби ҳам киритилиши лозим.

36. Асосий ва қўшимча ўқув адабиётлар ҳамда ахборот манбаалари. Модул дастурига мувофиқ фойдаланиладиган асосий дарсликлар ва ўқув қўлланмалар ҳамда қўшимча адабиётлар рўйхати ва ахборот манбаалари рўйхати янги маълумотлар манбаалари билан бойитилган ҳолда келтирилади. Айниқса магистратура талабалари учун замонавий диагностика ва даволаш алгоритмлари, стандартлари киритилиши лозим. Кўрсатилган ўқув адабиётлар тиббиёт ва фармацевтика олий таълим муассасасининг ахборот-ресурс марказида мавжуд бўлиши шарт.

37. Ишчи модул дастурининг матни модул дастури матнига қўйилган талабларга мувофиқ босиб чиқарилади.

38. Малака амалиёти дастурлари ҳар бир таълим йўналиши, мутахассислиги, курси бўйича ишлаб чиқилади ва Тартибда кўрсатилганидек тасдиқланади.

VI. Якуний қисм

39. Модул дастури расмийлаштириш, тарқатиш ва сақлаш учун А5 форматидаги “китобча” шаклида босиб чиқарилади.

40. Модул дастури ва ишчи модул дастури илмий-услубий ва ўқув-

услубий иш мақомига эга бўлиб, унинг тузувчилари муаллифлик ҳуқуқига эга.

41. Тартибга ўзгартириш, қўшимчалар киритиш ва бекор қилиш
Соғлиқни сақлаш вазири буйруғи асосида амалга оширилади.

Ўзбекистон Республикаси
Соғлиқни сақлаш вазирининг
2019 йил “12” 08
209 - сонли буйруғига
4.1. -ИЛОВА

МОДУЛ ДАСТУРИНИНГ ТУЗИЛМАСИ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ СОҒЛИҚНИ САҚЛАШ ВАЗИРЛИГИ

Рўйхатга олинди: № БД - _____ 20__ йил “__” ____	Соғлиқни сақлаш вазирлиги _____ 20__ йил “__” ____
--	--

Модул (номи) МОДУЛ ДАСТУРИ

Билим соҳаси:	500000	Соғлиқни сақлаш ва ижтимоий таъминот
Таълим соҳаси:	510000	Соғлиқни сақлаш
Таълим йўналишлари:	шифри	номи

Тошкент – 20__

Тузувчилар:

Исми - шарифи	иш жойи, лавозими, илмий даражаси ва унвони

Тақризчилар:

Ички тақризчи: Исми - шарифи	иш жойи, лавозими, илмий даражаси ва унвони
Ташқи тақризчи: Исми - шарифи	

Модул дастури __ (ОТМ номи)да ишлаб чиқилган.

Модул дастури __ (ОТМ номи) Кенгашида кўриб чиқилган ва тавсия қилинган (20__ йил “__” _____ даги “__” - сонли баённома).

Модул дастури Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳузуридаги тиббиёт ва фармацевтика узлуксиз касбий таълими муассасалараро Мувофиқлаштириш Кенгашининг 20__ йил “__” _____ даги __ - сонли баённомаси билан маъқулланган.

Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 20__ йил “__” _____ даги “__” – сонли буйруғининг __ - иловаси билан модул дастури рўйхати тасдиқланган.

1. Ўқув модулининг долзарблиги ва олий таълимдаги ўрни

2. Ўқув модулининг мақсади ва вазифалари

2.1. Модулнинг мақсади:

2. Модулнинг вазифалари:

2.3. Модул бўйича талабаларнинг билим, кўникма ва малакаларига қўйиладиган талаблар:

Талаба:

- ... тасаввурга эга бўлиши;
- ... билиши ва улардан фойдалана олиши;
- ... малакаларига эга бўлиши керак.

3. Асосий қисм

3.1. Модулдаги маъруза машгулотлари мавзулари ва мазмуни, ташкил этиши бўйича умумий кўрсатма ва тавсиялар:

1-мавзу. Қисқача мазмуни

2-мавзу.

Қисқача мазмуни

3-мавзу.

Қисқача мазмуни

3.2. Модулдаги амалий (семинар, лаборатория) машгулотлари мавзулари, ташкил этиши бўйича умумий кўрсатма ва тавсиялар:

3.2.1. Амалий (семинар, лаборатория) машгулотларининг мавзулар рўйхати:

1-мавзу.

2-мавзу.

3-мавзу.

3.2.2. Амалий (семинар, лаборатория) машгулотларини ташкил этиши бўйича умумий кўрсатма ва тавсиялар:

Амалий машғулотлар мультимедиа қурилмалари билан жиҳозланган аудиторияда бир академик гуруҳга бир ўқитувчи томонидан ўтказилади.

Амалий машғулотларни ўтказишда қўйидаги дидактик тамойилларга амал қилинади:

- Амалий машғулотларни мақсадини аниқ белгилаб олиш;
- Ўқитувчининг инновацион педагогик фаолияти бўйича билимларни чуқурлаштириш имкониятларига талабаларда қизиқиш уйғотиш;
- Талабада натижани мустақил равишда қўлга киритиш имкониятини таъминлаш;
- Талабани назарий-методик жиҳатдан тайёрлаш ва ҳ.к.

3.2.3. Модулни ўқитиш давомида эгалланадиган амалий кўникмалар ва компетенциялар

Модул давомида эгалланадиган амалий кўникмалар рўйхати:

Ўқув (клиник) амалиётни ўтиш даврида талабалар қўйидаги амалий кўникмаларни ўзлаштиришлари кўзда тутилган:

- 1.
- 2.
- 3.

Модул давомида эгалланадиган компетенциялар (номи, коди) рўйхати:

- 1.
- 2.
- 3.

Модул давомида ўқув (клиник) амалиётни ташкил этиш бўйича умумий кўрсатма ва тавсиялар:

4. Мустақил таълим ва мустақил ишлар, ташкил этиш бўйича кўрсатма ва тавсиялар

4.1. Тавсия этилаётган мустақил ишларнинг мавзулар рўйхати:

4.2. Тавсия этилаётган мустақил ишларнинг шакллари:

4.3. Мустақил таълим ва мустақил ишларни ташкил этиш бўйича умумий кўрсатма ва тавсиялар:

Модул (*модул номи*) бўйича мустақил иш аудитория ва аудиториядан ташқари ўтказилади.

Талаба мустақил ишини ташкил этишда қўйидаги шакллардан фойдаланилади:

– аудитория машғулотларидан ташқари тренажер, муляж ва симуляцион залларида/марказларида тасдиқланган амалий кўникмаларни педагог назоратида сон ва сифат жиҳатдан бажариш ва амалий кўникмаларни ўзлаштириш дафтарларида акс эттириш;

– тиббиёт ОТМ клиникалари ва клиник ўқув базаларида аудиториядан ташқари ташкиллаштирилган клиник навбатчиликда тасдиқланган амалий кўникмаларни навбатчи шифокор-педагог назоратида сон ва сифат жиҳатдан бажариш ва навбатчилик дафтарларида акс эттириш;

– беморлар курациясида даволовчи ёки навбатчи шифокор билан назорат қилишда иштирок этиш;

– аҳоли орасида санитар оқартув ишларни суҳбат ва маърузаларни ўтказиш;

– айрим назарий мавзуларни ўқув адабиётлари ёрдамида мустақил ўзлаштириш;

– берилган мавзу бўйича ахборот (реферат) тайёрлаш;

– модулнинг (фаннинг) бўлимлари ёки мавзулари устида махсус ёки илмий адабиётлар (монографиялар, мақолалар) бўйича ишлаш ва маърузалар қилиш;

– вазиятли ва клиник муаммоларга йўналтирилган вазиятли масалалар ечиш;

– CASE (реал клиник вазиятлар ва клиник вазиятли масалалар асосида case-study) ечиш;

– моделлар ясаш, кроссвордлар тузиш, органайзерлар тузиш ва ҳ.к.

Курс иши (лойиҳаси) бўйича кўрсатма ва тавсиялар(мавжуд бўлган ҳолда ёритилади):

Ишлаб чиқариш амалиётини ташкил этиш бўйича кўрсатма ва тавсиялар (мавжуд бўлган ҳолда ёритилади)

5. Асосий ва қўшимча ўқув адабиётлар ҳамда ахборот манбалари

5.1. Асосий адабиётлар:

5.2. Қўшимча адабиётлар:

5.3. Интернет сайтлари:

Ўзбекистон Республикаси
Соғлиқни сақлаш вазирининг
2019 йил “ 12 ” 08
209 - сонли буйруғига
4.2. -ИЛОВА

МОДУЛ ИШЧИ ДАСТУРИНИНГ ТУЗИЛМАСИ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ СОҒЛИҚНИ САҚЛАШ ВАЗИРЛИГИ

ОТМ номи

17. Фан дастурларининг давлат таълим стандартлари, малака талаблари ва мазкур тартибга мос ҳолда ишлаб чиқилишига маъсул этиб белгиланган тиббиёт ўрта таълим муассасаси раҳбари жавобгар, фан дастурларини яратиш ишларини ташкил этиш мақсадида мазкур раҳбар республикадаги тиббиёт коллежларда фаолият юритаётган тажрибали ўқитувчиларни жалб этиб, ишчи гуруҳлар тузиш ваколатига эга деб ҳисобланадилар.

18. Фан дастури ишлаб чиқилишида мамлакат иқтисодиётини реал сектори ривожланиши тенденцияларини, жаҳондаги илм-фан, техника ва технологияларнинг энг сўнги ютуқларининг ҳисобга олиш, таълим жараёнини оптималлаштириш, замонавий педагогик ва ахборот технологиялар, фанни ўқувчилар томонидан самарали ўзлаштиришига хизмат қиладиган бошқа воситаларни кенг қўллаш, “оддийдан мураккабга”, “умумийдан хусусийга” каби тамойилларга амал қилиш зарурдир.

19. Фан дастурининг матни А-4 форматли стандарт варақларда, Times New Roman шрифтнинг 14-ўлчамида, 1,15 интервалда, чап ва ўнг томонидан-20, пастидан-25, юқоридан-20 мм ўлчамида

хошияланган ҳолатда бостириб чиқарилади. Бетларни рақамлаш пастки қисмининг марказида жойлаштирилади.

20. Фан дастурларини ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш қуйидаги тартибда амалга оширилади:

Вазирлик топшириғига мувофиқ тиббиёт ўрта таълим муассасаси томонидан фан дастурининг лойиҳаси тайёрланади;

тайёрланган фан дастурининг лойиҳасига фаннинг етук мутахассислари, таълим йўналиши бўйича тиббиёт олий таълим муассасалари, тегишли соҳа корхона, ташкилот ва муассасаларининг тақризлари олинади;

тиббиёт ўрта таълим муассасасининг Педагогик кенгашида фан дастурининг лойиҳаси атрофлича муҳокама қилинади ва тасдиқлашга тавсия этилиши тўғрисида Педагогик кенгаш баёни расмийлаштирилади;

фан дастурининг лойиҳаси экспертизадан ўтказиш учун тиббиёт ўрта таълим муассасаси раҳбари хати билан Соғлиқни сақлаш вазирлиги Тиббий таълимни ривожлантириш Марказига киритилади, киритилаётган ҳужжатларга тақризлар (ички ва ташқи), тиббиёт ўрта таълим муассасаси Педагогик кенгашининг баёни илова қилинади.

Соғлиқни сақлаш вазирлиги Тиббий таълимни ривожлантириш Маркази тиббиёт таълим муассасалари томонидан киритилган фан дастурларининг лойиҳаларини Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳузуридаги тиббиёт ва фармацевтика узлуксиз касбий таълими муассасалараро Мувофиқлаштирувчи Кенгашнинг мажлисига муҳокама ва тасдиқлашга тавсия учун тақдим этади. Муҳокама натижасида ижобий деб топилган ва тавсия этилган фан дастурлари Вазирлик буйруғи билан тасдиқланади. Тасдиқланган фан дастурлари белгиланган тартибда расмийлаштирилади, уларнинг бир нусхаси Соғлиқни сақлаш вазирлигида (эталон сифатида), бир нусхаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги Тиббий таълимни ривожлантириш марказида, яна бир нусхаси ишлаб чиқилишига маъсул этиб белгиланган тиббиёт ўрта таълим муассасасида сақланади.

21. Тасдиқланган ва рўйхатга олинган фан дастурларининг электрон версиялари ёки кўчирма нусхалари тааллуқлиги бўйича тиббиёт ўрта таълим муассасаларига етказилади.

V. Ишчи фан дастури

22. Таълим жараёнини бевосита жойларда мақсадли ташкил қилиш ва машғулотларни тизимли тартибга солиш мақсадида намунавий фан дастури асосида фаннинг ишчи ўқув дастури (кейинги ўринларда “ишчи фан дастури” деб юритилади) ишлаб чиқилади.

23. Ишчи фан дастурлари тиббиёт ўрта таълим муассасалари томонидан ҳар бир ўқув йили учун ишлаб чиқилади ва тиббиёт ўрта

таълим муассасасининг Педагогик кенгаши қарори билан таълим муассаси раҳбари томонидан тасдиқланади ва ўқув жараёнига татбиқ этилади.

24. Ишчи фан дастури куйидаги таркибий қисмлардан иборат:

Фан дастурининг титул варағива унинг сирт тарафидаги унга асос бўлган фан дастури тасдиқланган вазирлик буйруғи, ишчи фан дастурининг тузувчилари исми, фамилияси, лавозими, илмий даража ва унвонлари, такризчилар исми, фамилияси, иш жойи, лавозими, илмий даража ва унвонлари, тиббиёт ўрта таълим муассасасининг тегишли кафедраси йиғилишида кўриб чиқилган ва тасдиқланган баёнининг сони ва санаси, кафедра мудирининг имзоси, уни тасдиқлаган тиббиёт ўрта таълим муассасаси Педагогик кенгаши баёнининг сони ва санаси, ўқув ишлари бўйича директор ўринбосарининг имзоси ўз аксини топиши лозим.

Кириш сўзида ўқув фани ўқитилиши бўйича услубий кўрсатмалар, тиббиётдаги мазкур фанга оид янгиликлар, қўлланилаётган жараёнлар, фан мавзулари бўйича Ҳукуматимиз ва Соғлиқни сақлаш вазирлигининг томонидан амалга киритилган мейёрий ҳужжатлар; муолажаларни бажаришга янгича ёндошувлар акс эттирилади.

Фан дастуридаги асосий масалалар, фанни ўқитиш билан боғлиқ услубий кўрсатмалар қисқа берилади. Ўқув фанининг мавзулари мантиқий кетма-кетликда оддий жадвал шаклида келтирилади. Ҳар бир мавзу мазмуни унга белгиланган юклама ҳажмидан келиб чиқиб, ўрта таълимда талаб этилган назарий ва амалий машғулотларнинг давомийлигидан келиб чиқиб, алоҳида машғулотларга ажратилади кетма-кет рақамланади ва жадвалда кўрсатилади. Жадвал тагидаги охириги катакда ажратилган умумий соатлар ҳажми кўрсатилади, ушбу рақам ўқув режадаги билан тўлиқ мос келиши шарт.

Асосий қисмда назарий машғулот мавзуси, унинг мазмуни бўйича машғулотларга тақсимланиши; алоҳида ҳар бир назарий машғулот учун ўқувчиларга давлат таълим стандарти ва малака талаблари асосида етказилиши зарур булган билим ва тушунчалар рўйхати, машғулотда қўлланилиши мумкин бўлган замонавий педагогик технологиялар, мавжуд ахборот-коммуникацияларни қўллаш усуллари акс эттирилади.

Амалий машғулотлар назарий машғулотлар мавзулари билан узвий боғлиқ тарзда мантиқий кетма-кетликда келтирилади. Уларнинг мазмунида ҳар бир машғулот учун тегишли кўникмалар рўйхати, шакллантириладиган компетенциялар, ушбу кўникмалар ва компетенцияларни шакллантиришга оид керакли жиҳозлар ва ашёлар акс эттирилади.

Мустақил таълим ва мустақил ишлар қисмида мустақил таълимнинг шакли ва мазмуни, мустақил ўзлаштиришга

мўлжалланган мавзулар ва топшириқлар ҳар бир машғулот учун алоҳида келтирилади. Мустақил таълим жараёнида ўқувчилар томонидан тайёрланиши зарур бўлган якуний ишлар шакли (реферат, эссе, мустақил (ижодий) иш, муаммоли маъруза ва бошқалар) ва уни топшириш (ҳимоя қилиш) тартиби аниқ кўрсатилади.

Асосий ва қўшимча ўқув адабиётлар ҳамда ахборот манбаалари рўйхатида намунавий дастурда берилган асосий дарслик ва ўқув қўлланмалар, қўшимча адабиётлар ва бошқа ахборот манбаалари рўйхати янги маълумотлар манбалари билан бойитилган ҳолда келтирилади. Кўрсатилган ўқув адабиётлар таълим муассасасининг ахборот-ресурс марказида мавжуд бўлиши шарт.

VI. Якуний қисм

25. Ҳар бир таълим йўналишининг намунавий ўқув режасида белгиланган малакавий амалиётлар бўйича намунавий дастурлар шу тартибда ишлаб чиқилади.

26. Фан дастури ва ишчи фан дастурини расмийлаштириш, тарқатиш ва сақлаш учун А5 форматидаги “китобча” шаклида бостириб чиқариш лозим.

27. Фан дастури ва ишчи фан дастури ўқув-услугий иш мақомига эга бўлиб, унинг тузувчилари муаллифлик ҳуқуқига эга.

28. Тартибга ўзгартириш, қўшимчалар киритиш ва бекор қилиш Вазирликнинг буйруғи асосида амалга оширилади.

ТИББИЁТ ВА ФАРМАЦЕВТИКА ЎРТА ТАЪЛИМ ЙЎНАЛИШЛАРИ ВА МУТАХАССИСЛИКЛАРНИНГ МАЛАКА ТАВСИФНОМАЛАРИ ТУЗИЛМАСИ

Мутахассисликнинг тавсифномаси

Таълим соҳаси:	71000	Соғлиқни сақлаш ва ижтимоий таъминот
Билим соҳаси:	70000	Соғлиқни сақлаш
Таълим йўналиши:	5.71...	...
Тайёрлов йўналиши:	5.71...	
Мутахассислик:		
Малакалар:	...	

Битирувчиларнинг касбий фаолияти тавсифи

Таълим йўналишининг ушбу мутахассислиги бўйича битирувчиси қандай муассаса ва ташкилотларда ва қандай лавозимда фаолият юритиши мақсадга мувофиқлиги аниқ кўрсатилади.

Битирувчининг мутахассислиги бўйича фаолият объектлари.

Ушбу бандда ҳар бир мутахассислик учун белгиланган малака (квалификация) бўйича алоҳида фаолият объектлари ифодаланади. Мутахассисликнинг фаолият объекти сифатида ҳар бир белгиланган малака (квалификация) учун субъектлар, предметлар, воқеъликлар, жараёнлар ва фаолият доирасида ҳаракатга йўналтирилган тизимлар акс эттирилади.

Мутахассиснинг фаолият турлари:

Ушбу бандда ҳар бир мутахассислик учун белгиланган малака (квалификация) бўйича алоҳида қандай фаолият турларини мустақил бажара олиши, мутахассислик бўйича фаолият объектига таъсир қилишнинг усуллари, услублари ва тавсифидан иборат.

Клиник ординатура (резидентура) мутахассисликлари дастурларини ишлаб чиқиш ва татбиқ этиш

ТАРТИБИ

I. Умумий қондалар

1.1. Клиник ординатура (резидентура) мутахассисликларининг дастурлар тузилмаси ва уларни ишлаб чиқиш ва татбиқ этиш тартиби (кейинги ўринларда “Тартиб” деб юритилади) Ўзбекистон Республикасининг “Таълим тўғрисида”ги Қонуни ва Кадрлар тайёрлаш миллий дастури, Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Тиббиёт ва фармацевтика таълими ва илм-фани тизимини янада ривожлантириш чоратadbирлари тўғрисида” 2019 йил 6 майдаги ПҚ-4310-сонли қарори ва бошқа қонун ҳужжатлари асосида ишлаб чиқилган.

1.2. Тиббиёт ва фармацевтика кадрларини клиник ординатура (резидентура) орқали қайта тайёрлаш мутахассислик ўқув дастурларини (ва таркибидаги модулларнинг) ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш ҳақидаги мазкур Тартиб (кейинчалик – Тартиб) қайта тайёрлаш тизимига жалб этилган таълим муассасаларида амалга ошириладиган барча ўқув дастурларининг ўқув-услубий таъминотига ягона талабларни киритиш мақсадида ишлаб чиқилган.

1.3. Мазкур Тартиб тиббиёт ва фармацевтика кадрларини клиник ординатура (резидентура) орқали қайта тайёрлаш мутахассислик ўқув дастурлари (ва таркибидаги модулларнинг) (кейинчалик – ўқув дастурлари)нинг тузилмаси ва мазмунига қўйиладиган талабларни, шунингдек, ўқув дастурларини (ва таркибидаги модулларнинг) ишлаб чиқиш, тасдиқлаш ва уларга ўзгартиришлар киритиш тартибини белгилайди.

1.4. Мазкур Тартиб асосида ишлаб чиқилган ўқув дастурлар (ва таркибидаги модуллар) республика тиббиёт ва фармацевтика таълим муассасалари учун меъёрий-услубий ҳужжат ҳисобланиб, ихтисослик бўйича ишчи ўқув дастурларини (ва таркибидаги модулларнинг) ишлаб чиқиш ва расмийлаштиришда намунавий ўқув дастурлари сифатида қўлланилади ҳамда тегишли мутахассислик бўйича таълим-тарбия жараёнини ташкил этиш ва ўтказилишига қўйиладиган талабларни белгилайди.

1.5. Клиник ординатура (резидентура) орқали тиббиёт кадрларини қайта тайёрлаш бўйича мутахассисликлар рўйхатига тегишли ўзгартиришлар киритилиши ёки бошқа сабабларга кўра ўқув дастурлар қайта ишлаб чиқилади ва тасдиққа киритилади.

II. Ўқув (модул) дастурининг мақсади ва вазифаси

2.1. **Ўқув (модул) дастурининг асосий мақсади** – тиббиёт кадрларни клиник ординатура (резидентурада) қайта тайёрлашга қўйиладиган давлат талабларида клиник ординатор (резидент) билими, кўникма ва малакаларига қўйилган талабларга мувофиқ ўқув режага киритилган муайян модуллар томонидан меҳнат бозори талабларига жавоб берадиган мутахассисларни сифатли тайёрлаш учун шакллантирилиши зарур бўлган компетенциялар, билим, кўникма ва малакалар мажмуини белгилаш, ўқув дастурини мазмуни ва таркибий қисмларини тартибга солиш.

2.2. Ўқув (модул) дастурининг асосий вазифалари:

- мутахассисликга оид ўқув материаллар мазмуни ва тузилмасини мақбул ҳолатга келтириш ва оптималлаштириш, ўқув машғулотлар мавзуларининг мантиқий кетма-кетлигини ҳамда бошқа модуллар билан мазмуний-мантиқий боғлиқлигини таъминлаш;

- Ўқув(модул)дастурига мутахассисликга оид жаҳондаги илм-фан, техника, технологияларнинг сўнгги ютуқларини, илғор хорижий тажрибаларни кенг ёритиш ва уларни ҳисобга олган ҳолда модул мавзуларини шакллантириш;

- Ўқув (модул) дастурига ажратилган вақтга мувофиқ ўқув материалларни мавзулар ва ўқув машғулотлар турлари бўйича тақсимлаш;

- Ўқув (модул)ни ўзлаштириш, клиник ординатор (резидент)ларда модулга оид компетенцияларни, касбий билим ва кўникмаларни шакллантириш учун зарур ўқув-услубий шартлар, ўқув адабиётлар ва дидактик материалларни белгилаш;

- баҳолаш воситалари ёрдамида клиник ординатор (резидент) билимини назорат қилиш шакллари белгилаш;

2.3. **Ўқув (модул) дастурининг асосий мақсади ва вазифаларига тўлиқ амал қилинган ҳолда ишлаб чиқилиши талаб этилади.**

2.4. Мазкур Тартиб талаблари клиник ординатура (резидентура) орқалиқайта тайёрлаш жараёнига жалб этилган барча таълим муассасалари учун мажбурийдир.

III. Ўқув (модул) дастурларининг мазмуни ва таркиби

7. Ўқув (модул) дастури таълим жараёнининг муҳим меъёрий-услубий ҳужжати бўлиб, унда ўқув материаллар, маъруза, семинар, ўқув ва малакавий амалиётлари шаклида мантиқий кетма-кетликда жорий этилиши, модулни ўқитишда мустақил иш ва зарур ҳолларда бошқа ишлар уларга ажратилган вақт меъёрларига мослигини таъминланган ҳолда қўлланилиши кўзда тутилади.

8. Ўқув (модул) дастури қуйидаги таркибий қисмлардан иборатдир:

- Ўқув (модул) дастури титул варағи ва унинг сирт тарафидаги маълумотлар;

1. Мутахассисликнинг долзарблиги ва аҳамияти, соғлиқни сақлаш тизимидаги ўрни.

2. Ўқув (модул) дастурининг мақсади ва вазифалари.

2.1. Ўқув (модул) дастурининг мақсади

2.2. Ўқув (модул) дастурининг вазифалари:

2.3. Мутахассисдан кутилаётган натижалар:

3. Асосий қисм.

3.1. Модулдаги маъруза машғулотлари мавзулари ва мазмуни, ташкил этиш бўйича умумий кўрсатма ва тавсиялар.

3.2. Модулдаги семинар ва амалий машғулотларнинг мавзулари, ҳар бир мавзу бўйича ўқув юкламасининг ҳажми, ташкил этиш бўйича умумий кўрсатма ва тавсиялар.

3.3. Мутахассис ўзлаштириши лозим бўлган амалий кўникмалар рўйхати.

4. Мустақил таълим ва мустақил иш, ташкил этиш бўйича умумий кўрсатма ва тавсиялар.

4.1. Мустақил таълим учун мавзулар рўйхати.

4.2. Тавсия этилаётган мустақил иш турлари, шакллари.

4.3. Мустақил таълим ва мустақил ишларни ташкил этиш бўйича умумий кўрсатма ва тавсиялар.

5. Малака амалиётини ташкил этиш бўйича умумий кўрсатма ва тавсиялар.

6. Асосий ва қўшимча ўқув адабиётлар ҳамда ахборот манбаалари

6.1. Асосий адабиётлар: ...

6.2. Қўшимча адабиётлар: ...

6.3. Интернет сайтлари: ...

Ўқув (модул) дастурининг тузилмаси 13.1-иловага мувофиқ тасдиқланган.

9. Ўқув(модул)дастурининг титул варағида вазирлик номи, тиббиёт кадрларини қайта тайёрлаш бўйича мутахассисликлар рўйхатига мувофиқ тегишли билим соҳаси ва мутахассисликноми, ҳаракатдаги ўқув режага мувофиқ ўқув (модул)дастури тўлиқ номи, рўйхатга олинган ва тасдиқланган саналари ва белгилари кўрсатилади.

10. Ўқув (модул) дастури титул варағининг сиртки тарафида ўқув (модул) дастурини ишлаб чиққан муассаси номи, тузувчилар исми, фамилияси, иш жойи, лавозими, илмий даража ва унвонлари, Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳузуридаги тиббиёт ва фармацевтика узлуксиз касбий таълими муассасалараро мувофиқлаштирувчи Кенгашда маъқулланган баёни рақами ва саналари, уни тасдиқлаган вазирлик буйруғи,

11. **Мутахассисликни долзарблиги ва аҳамияти, соғлиқни сақлаш тизимидаги ўрни.** Мутахассисликни долзарблиги ва аҳамияти, соғлиқни сақлаш тизимидаги ўрни аниқ ва лўнда ёритилади. Қайси меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар (Фармонлар, Қарорлар, буйруқлар ва х.к.) асос қилиб олинган.

12. Ўқув (модул) дастурининг мақсади ва вазифалари. Ўқув (модул) дастурини ўқитишдан мақсад ва унинг асосий вазифалари тегишли йўналиш бўйича мутахассис тайёрлаш вазифаларига боғланган ҳолда баён этилади. Мақсадлар ифодаланишида кутилаётган натижалар кўрсатилиши, лозим, бунда “шакллантиради”, “замин яратади” каби иборалар ишлатилиши мақсадга мувофиқ.

Белгиланган мақсадларга эришишга қаратилган ўқув (модул) дастурининг вазифалари ифодаланади. Булар ўқитишда мақсадга эришиш усуллари ва йулларини баён қилиши лозим, бунда “ўзлаштириш”, “кўникмаларга эга бўлиш”, “компетенцияларга эга бўлиш” каби иборалар ишлатилиши ўринлидир.

Шунингдек, мазкур қисмда эгалланиши лозим бўлган билим, кўникма ва малакалар, компетенциялар доирасида ушбу модуллар бўйича эгалланиши зарур бўлган билим, кўникма ва малакалар, компетенциялар баён қилинади.

13. Асосий қисм. Модулдаги маъруза машғулоти мавзулари, ташкил этиш бўйича умумий кўрсатма ва тавсиялар. Ўқув (модул) дастури доирасида бериладиган мавзулар мантиқий кетма-кетликда келтирилади. Маъруза машғулотларини ташкил этиш бўйича қисқача кўрсатма ва тавсиялар келтирилади.

Шунингдек, мавзуларнинг долзарблиги, уларнинг иш берувчилар талаблари ва ишлаб чиқариш эҳтиёжларига мослиги, соҳага оид жаҳон тажрибалари, фан ва технологияларнинг сўнгги ютуқлари қатъий эътиборга олиниши зарур.

14. Асосий қисм. Модулдаги семинар ва амалиёт машғулотларининг мавзулари, ҳар бир мавзу бўйича ўқув юкламасининг ҳажми ташкил этиш бўйича умумий кўрсатма ва тавсиялар. Ўқув (модул) дастурининг моҳияти ва назарий мавзуларига мос равишда машғулотларининг мавзулар рўйхати мантиқий кетма-кетликда келтирилади. Ушбу машғулотларни ўтказиш бўйича кўрсатма ва тавсиялар ёритилади - шакллари, унда қўлланиши тавсия этиладиган технологиялар ва интерактив усуллар ишлатилиши;

- ўқув (модул) дастури бўйича ўқув (клиник) амалиётини ташкил этиш бўйича кўрсатма ва тавсияларни ёритишда амалий кўникмалар рўйхати ва уларни эгаллаш жараёни юзасидан услубий кўрсатмалар берилади. Бунда ўқув (клиник) амалиёти моҳияти, мутахассислик бўйича кадрлар тайёрлашнинг ўзига ҳос тарафлари, тегишли йўналишга оид жаҳондаги илғор тажрибалар, замонавий техника ва технологиялар ҳисобга олиниши зарур. Ўқув амалиётини ўтказиш бўйича кенгайтирилган услубий кўрсатмалар тегишли кафедралар томонидан ишчи дастурда батавсил ёритилади, ёки алоҳида услубий қўлланма кўринишида ишлаб чиқилиши мақсадга мувофиқ.

Мазкур қисм ҳажми ўқув (модул) дастурининг моҳияти ва унга киритиладиган зарурий маълумотлар ҳажмига боғлиқдир.

13. Мустақил таълим ва мустақил ишлар, ташкил этиш бўйича умумий кўрсатма ва тавсиялар. Мустақил таълим етказиладиган мавзулардан ташқари ўқув (модул) дастурининг мазмунига кирувчи ва алоқадор мавзулар, масалалар, ахборотларни мустақил ўрганиш ва ўзлаштиришга қаратилган муҳим таълим жараёнидир. Мустақил таълимнинг асосий мақсади- иш жараёнидан ташқари вақтда ўқитувчининг бевосита ва билвосита раҳбарлиги ҳамда назоратида муайян мутахассисликга доир мустақил равишдабажариш учун билим ва кўникмаларни шакллантириш ҳамда ривожлантиришдан иборатдир,

Мазкур қисмда мустақил ишларнинг мавзулар рўйхати, мустақил таълимнинг шакли ва мазмуни, мустақил ишга мўлжалланган топшириқлар келтирилади. Мустақил тайёрланиши зарур бўлган ишлар шакли (реферат, эссе, мустақил (ижодий) иш, муаммоли маъруза, симмуляцион марказда ишлаш, навбатчилик туриш ва бошқалар) кўрсатилади.

14. Малакаамалиётини ташкил этиш бўйича умумий кўрсатма ва тавсиялар. Ўқув режада ўқув (модул) дастури бўйича малака амалиётмақсади ва моҳияти, шакли ва мазмуни, амалиёт жараёнида қилиниши зарур бўлган ишлар шакли юзасидан қисқа услубий кўрсатмалар берилади. Малака амалиётларини ўтказиш бўйича кенгайтирилган услубий кўрсатмалар тегишли кафедралар томонидан алоҳида услубий қўлланма кўринишида ишлаб чиқиши мақсадга мувофиқ.

15. Асосий ва қўшимча ўқув адабиётлар ҳамда ахборот манбаалари. Фойдаланиладиган асосий дарсликлар, справочниклар, атласлар, даволаш ва диагностика протоколлари ва стандартлари, ўқув қўлланмалар ҳамда қўшимча адабиётлар рўйхатини келтиришда замонавий хорижий ва маҳаллий адабиётлардан, Интернет, турли ахборот коммуникация ресурсларидан, ҳимоя килинган диссертациялар, монография ҳамда бошқа ўқув, илмий ва услубий маълумотлар манбаларидан кенг фойдаланиш тавсия этилади.

IV. Ўқув (модул) дастурини ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш тартиби

16. Ўқув(модул)дастурлари клиник ординатура (резидентура) ҳар бир мутахассислигига ва мутахассисликнинг ўқув режаларига киритилган ҳар бир модулбўйича Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги (кейинги ўринларда “Вазирлик” деб юритилади) томонидан белгиланган тиббиёт муассасалари томонидан ишлаб чиқилади.

17. Ўқув(модул)дастурларини ишлаб чиқиш учун тиббиёт муассасасининг етакчи профессор-ўқитувчилари таркибидан ишчи гуруҳ белгиланади. Ишчи гуруҳига барча тиббиёт муассасаларининг етакчи профессор-ўқитувчилари ҳам киритилиши мумкин. Ишчи гуруҳ

тармоқ илмий-тадқиқот муассасалари, тегишли соҳанинг ишлаб чиқариш корхона, ташкилот ва муассасаларининг етук мутахассислари билан якин ҳамкорлик асосида дастур лойиҳасини ишлаб чиқади.

18. Ўқув (модул) дастурининг клиник ординатура (резидентура) мутахассисликлари касбий тайёргарлик даражасига қўйилган давлат талаблари асосидава мазкур Тартибга мос ҳолда ишлаб чиқилишига масъул этиб белгиланган тиббиёт муассасаси жавобгар. Ўқув (модул)дастурларини яратиш ишларини ташкил этиш мақсадида мазкур муассасада фаолият юритаётган тажрибали мутахассисларни жалб этиб, ишчи гуруҳ тузиш ваколатига эга деб ҳисобланади.

19. Ўқув (модул) дастури ишлаб чиқилишида мамлакат иқтисодиётини реал сектори ривожланиши тенденцияларини, жаҳондаги илм-фан, техника ва технологияларнинг энг сўнги ютуқларининг ҳисобга олиш, таълим жараёнини оптималлаштириш, замонавий педагогик ва ахборот технологиялар, мутахассисликни самарали ўзлаштиришига хизмат қиладиган бошқа воситаларни кенг қўллаш, “оддийдан мураккабга”, “хусусийдан умумийга” каби тамойилларга амал қилиш зарурдир.

20. Ўқув (модул) дастурларига ўқув жараёни учун зарур техник воситалар, ахборот-ресурс марказидаги тегишли ўқув адабиётлар, дидактик материаллар, ўқув ва илмий жиҳозлар, ашёлар ва бошқа моддий-техник воситалар тўғрисида маълумотлар киритилиши мақсадга мувофиқ.

21. Ўқув (модул) дастурининг матни А-4 форматли стандарт варақларда, Times New Roman шрифтнинг 14-ўлчамида, 1,15 интервалда, чап ва ўнг томонидан-20, пастидан-25, юқоридан-20 мм ўлчамида ҳошияланган ҳолатда бостириб чиқарилади. Бетларни рақамлаш пастки қисмининг марказида жойлаштирилади.

22. Ўқув (модул) дастурларини ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш қўйидаги тартибда амалга оширилади:

- вазирлик топшириғига мувофиқ жавобгартиббиёт муассасаси томонидан ўқув (модул) дастурининг лойиҳаси тайёрланади;

- тайёрланган ўқув (модул) дастурининг лойиҳасига фаннинг етук мутахассислари, таълим йўналиши бўйича тиббиёт олий таълиммуассасалари, тегишли соҳа корхона, ташкилот ва муассасаларининг тақризларихамда Ректорлар райёсати қошидаги Монотематик комиссия хулосаси тақдим этилади;

- ўқув (модул) дастурининг лойиҳаси экспертизадан ўтказиш учун Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги қошидаги Тиббий таълимни ривожлантириш Марказига киритилади. Киритилаётган хужжатларга тақризлар, ҳамда Ректорлар раёсати қошидаги Монотематик комиссия хулосаси илова этилади;

- Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги қошидаги Тиббий таълимни ривожлантириш Маркази ўқув (модул) дастурлари лойиҳаларини Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳузуридаги тиббиёт ва

фармацевтика узлуксиз касбий таълими муассасалараро Мувофиқлаштирувчи Кенгашнинг мажлисига муҳокама ва тавсия учун тақдим этади. Муҳокама натижасида ижобий деб топилган ўқув (модул) дастурлари Вазирлик буйруғи билан тасдиқланади;

- тасдиқланган ўқув (модул) дастурлари белгиланган тартибда расмийлаштирилади, уларнинг бир нусхаси Вазирликда (эталон сифатида), бир нусхаси Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги қошидаги Тиббий таълимни ривожлантириш марказида сақланади.

23. Тасдиқланган ва рўйхатга олинган ўқув (модул) дастурларининг электрон версиялари ёки кўчирма нусхалари тааллуқлиги бўйича тиббиёт ва фармацевтика таълим муассасаларига етказилади.

V. Ишчи ўқув (модул) дастури

24. Таълим жараёнини бевосита жойларда мақсадли ташкил қилиш ва машғулотлар тизимли тартибга солиш мақсадида ўқув (модул) дастури асосида ўқув (модул)нинг ишчи ўқув дастури (кейинги ўринларда “ишчи ўқув (модул) дастури” деб юритилади) ишлаб чиқилади.

25. Ишчи ўқув (модул) дастурлари тиббиёт муассасалари томонидан ҳар бир ўқув йили учун ишлаб чиқилади ва тиббиёт муассасасининг Кенгаши қарори билан тасдиқланади.

26. Ишчи ўқув (модул) дастури куйидаги таркибий қисмлардан иборат:

1. Ишчи ўқув (модул) дастурининг титул варағи ва унинг сирт тарафидаги маълумотлар.

Мутахассисликни долзарблиги ва аҳамияти, соғлиқни сақлаш тизимидаги ўрни (кенгайтирилган шаклда, қандай меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар асосида фаолият юритади).

2. Ишчи ўқув (модул) дастурининг мақсади ва вазифалари

2.1. Ишчи ўқув (модул) дастурининг мақсади.

2.2. Ишчи ўқув (модул) дастурининг вазифалари.

2.3. Мутахассисдан кутилаётган натижалар:

- тасаввурга эга бўлиши;

- билиши ва улардан фойдалана олиши;

- малакаларига эга бўлиши керак.

3. Асосий қисм.

3.1. Маъруза, семинар бўлимлари ва мавзуларнинг номи, ўқув юклама ва кредит ҳажми.

3.2. Маъруза машғулотларини ташкил этиш бўйича кўрсатма ва тавсиялар (шакли, тури, жиҳозланиши, услубий таъминоти ва ҳ.к.) замонавий технологик ускуналар, мультимедиа қурилмалари ва бошқ. билан жиҳозланган аудиторияларда ўтилади.

3.3. Амалий (семинар, лаборатория) машғулотларини ташкил этиш бўйича кўрсатма ва тавсиялар.

3.3.1. Семинар машғулотларининг мазмуни (қисқача назарий ҳажм)

3.3.2. Мутахассис эгаллаши лозим бўлган амалий кўникмалар

3.3.3. Таълим муассасанинг ва таълимга жалб қилинган муассасаларнинг ўқув-услубий ва моддий-техник таъминоти

4. Мустақил таълим ва мустақил иш, ташкил этиш бўйича кўрсатма ва тавсиялар.

4.1. Мустақил таълим мавзулари.

4.2. Мустақил таълим шакллари ва ишлар турлари рўйхати.

4.3. Мустақил таълимни ташкил этиш учун тавсия этиладиган ўқув-услубий таъминот: кўлланмалар, адабиёт, макро- ёки микропрепаратлар, фотосуратлар, фантом, муляж, симуляторлар, асбоб-анжом, жадваллар, ўргатувчи ва назорат қилувчи тестлар, компьютер дастурлари, клиник фанлар учун кечки навбатчиликлар, волонтерлик, симмуляцион марказларда ишлаш ва х.к.

5. Ўқув ва малака амалиётини ташкил этиш бўйича кўрсатма ва тавсиялар.

6. Клиник ординатор (резидент) билимини назорат қилиш ва баҳолаш мезонлари.

7. Асосий ва қўшимча адабиётлар ҳамда ахборот манбалари рўйхати.

7.1. Асосий адабиётлар.

7.2. Қўшимча адабиётлар.

7.3. Интернет сайтлари.

Ишчи ўқув (модул) дастурининг тузилмаси 13.2-иловага мувофиқ тасдиқланган.

30. Ишчи ўқув (модул) дастурининг титул **варағида** вазирлик номи, тиббиёт олий таълим муассасаси номи, кафедра (бўлим, лаборатория) номи, Тиббиёт олий таълим йуналишлари ва мутахассисликлари классификаторига мувофиқ тегишли таълим соҳаси, таълим йуналиши (мутахассислик)ларининг шифри ва номлари, ўқув режага мувофиқ модулнинг тўлиқ номи, тасдиқланган санаси ва белгилари (муҳр).

31. Ишчи ўқув (модул) дастури титул варағининг сиртқи тарафида унга асос бўлган ўқув (модул) дастури тасдиқланган вазирлик буйруғи, уни тасдиқлаган таълим муассасаси Кенгаши баёнининг сони ва санаси, ишчи ўқув (модул) дастурининг тузувчилари исми, фамилияси, лавозими, илмий даража ва унвонлари, такризчилар исми, фамилияси, иш жойи, лавозими, илмий даража ва унвонлари, кафедра (бўлим, лаборатория) мудирининг исми, ўқув-услубий бўлим бошлиғи (жавобгар шахс) имзолари ўз аксини топиши лозим.

32. Мутахассисликни долзарблиги ва аҳамияти, соғлиқни сақлаш тизимидаги ўрни (кенгайтирилган шаклда, қандай меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар асосида фаолият юритади).

33. Ишчи ўқув (модул) дастурининг мақсади ва вазифалари. Ишчи ўқув (модул) дастурини ўқитишдан мақсад ва унинг асосий вазифалари тегишли йўналиш бўйича мутахассис тайёрлаш вазифаларига боғланган ҳолда баён этилади. Мақсадлар ифодаланишида кутилаётган натижалар кўрсатилиши, лозим, бунда “шакллантиради”, “замин яратади” каби иборалар ишлатилиши мақсадга мувофиқ.

Белгиланган мақсадларга эришишга қаратилган ўқув дастурининг (ва таркибидаги модулларнинг) вазифалари ифодаланади. Булар ўқитишда мақсадга эришиш усуллари ва йулларини баён қилиши лозим, бунда “ўзлаштириш”, “кўникмаларга эга бўлиш”, “компетенцияларга эга бўлиш” каби иборалар ишлатилиши ўринлидир.

Шунингдек, мазкур қисмда эгалланиши лозим бўлган билим, кўникма ва малакалар, компетенциялар доирасида ушбу модуллар бўйича эгалланиши зарур бўлган билим, кўникма ва малакалар, компетенциялар баён қилинади.

34. Асоосий қисм. Маъруза, семинар бўлимлари ва мавзуларнинг номи, ўқув юклама ёки кредит ҳажми. Маъруза ва семинар машғулотларимавзулари ўқув (модул) дастурига катъий амал қилган ҳолда, моҳияти ва назарий мавзуларига мос равишда, мантиқий кетма-кетликда жадвал шаклида келтирилади. Ҳар бир мавзу кетма-кет рақамланади ва унга ажратилган соат кўрсатилади. Жадвал тагидаги охириги катакда ажратилган умумий соатлар ҳажми кўрсатилади, ушбу рақам ўқув режадаги билан тўлиқ мос келиши шарт. Бундан ташқари, мавзуларга тегишли ўқув амалиётига ажратилган соатлар кўрсатилади ва кредит ҳажми, эгалланиши кўзда тутилган компетенциялар белгиланади. Семинар машғулотларини мазмуни қисқача назарий ҳажмда ёритилади.

Шунингдек, ишлатиладиган ахборот ва педагогик технологиялар, муҳокама этиладиган мавзулар, фаол ва интерфаол усуллар, вазиятли масалалар вариантлари, “кейс”лар модул моҳиятидан келиб чиқадиган бошқа маълумотлар аниқ ёритилиши шарт.

Ўқув модули бўйича ўқув (клиник) амалиётини ташкил этиш ва амалий кўникмаларни эгаллаш бўйича кенгайтирилган кўрсатма ва тавсияларни ёритишда ва уларни эгаллаш жараёни юзасидан услубий кўрсатмалар берилади (шакли, у қаерда ва қандай тартибда ўтилиши, асбоб-ускуналари, жиҳозлари ва ашёлар рўйхати), бажарилиши керак бўлган кўникмаларни сони кўрсатилади.

35. Мустақил таълим ва мустақил иш, ташкил этиш бўйича кўрсатма ва тавсиялар. Мазкур қисмда мустақил таълимнинг шакли ва мазмуни, мустақил ўзлаштиришга мўлжалланган мавзулар ва топшириқлар келтирилади. Ҳар бир мавзу кетма-кет рақамланади. Мустақил таълимни ташкил этиш учун тавсия этиладиган ўқув-услубий таъминот батафсил ёритилади. Мустақил машғулотлар жараёнида клиник ординатор (резидент) томонидан тайёрланиши зарур бўлган якуний ишлар шакли (реферат, эссе, мустақил (ижодий) иш,

муаммоли маъруза, амалиёт базаларида навбатчилик, симмуляцион марказларда мустақил ишлаш ва бошқалар) ва уни топшириш (ҳимоя қилиш) тартиби аниқ кўрсатилади.

36. Ўқув ва малака амалиётини ташкил этиш бўйича кўрсатма ва тавсиялар. Ўқув ва малака амалиётининг мақсади ва вазифаси, шакли ва мазмуни, у қаерда ва қандай тартибда ўтилиши, амалиёт жараёнида тайёрланиши зарур бўлган якуний ишлар шакли юзасидан зарурий услубий кўрсатмалар берилади.

37. Клиник ординатор (резидент) билимини назорат қилиш ва баҳолаш мезонлари. Ишчи ўқув (модул) дастурининг мазмуни ва моҳиятидан келиб чиқиб, машғулотлар жараёни ва якунида клиник ординатор (резидент)ни баҳолаш мезонлари ва назорат тартиби кўрсатилади. Баҳолаш мезонлари ўқув (модул) дастурида белгиланган ушбу модул бўйича талабалар эгаллаши зарур бўлган билим, кўникма ва малакалар асосида ишлаб чиқилади. Клиник ординатор (резидент)ни билимини баҳолаш ва назорат қилиш тартибига клиник ординатор (резидент)томонидан бажариладиган мустақил ишлар ва вазифалар баҳоланиши тартиби ҳам киритилиши лозим.

38. Асосий ва қўшимча адабиётлар ҳамда ахборот манбаалари рўйхати.

Ўқув(модул)дастурига мувофиқ фойдаланиладиган асосий дарсликлар ва ўқув қўлланмалар ҳамда қўшимча адабиётлар рўйхати ва ахборот манбаалари рўйхати янги маълумотлар манбалари билан бойитилган ҳолда келтирилади. Клиник протоколлар, замонавий диагностика ва даволаш стандартлари ва алгоритмлари берилиши зарур. Кўрсатилган ўқув адабиётлар тиббиёт муассасасининг ахборот-ресурс марказида мавжуд бўлиши шарт.

39. Ишчи ўқув (модул) дастурининг матни ўқув (модул) дастури матнига қўйилган талабларга мувофиқ (Талабларнинг 23-банди) босиб чиқарилади.

VI. Якуний қисм

40. Ўқув (модул) дастурини расмийлаштириш, тарқатиш ва сақлаш учун А5 форматидаги “китобча” шаклида босиб чиқариш лозим.

41. Ўқув (модул)дастури ва ишчи ўқув (модул) дастури илмий-услубий ва ўқув-услубий иш мақомига эга бўлиб, унинг тузувчилари муаллифлик ҳуқуқига эга.

42. Тартибга ўзгартириш, қўшимчалар киритиш ва бекор қилиш Вазирликнинг буйруғи асосида амалга оширилади.

Ўзбекистон Республикаси
Соғлиқни сақлаш вазирининг
2019 йил “___” _____
_____ - сонли буйруғига
13.1 -ИЛОВА

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ СОҒЛИҚНИ САҚЛАШ ВАЗИРЛИГИ

Рўйхатга олинди:

Соғлиқни сақлаш вазирлиги

№ _____

20.. йил “___” _____

20.. йил “___” _____

(номи) мутахассислиги бўйича
клиник ординатор (резидент)ни тайёрлаш

ЎҚУВ (МОДУЛ) ДАСТУРИ

Билим соҳаси: Соғлиқни сақлаш

Мутахассислик: *номи*

Тузувчилар:

Ф.И.Ш. - иш жойи, лавозими, илмий даражаси ва унвони

Такризчилар:

Ф.И.Ш. - иш жойи, лавозими, илмий даражаси ва унвони

Ф.И.Ш. - иш жойи, лавозими, илмий даражаси ва унвони

Ўқув (модул) дастури (*ТМ номи*) да ишлаб чиқилган.

Ўқув (модул) дастури Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳузуридаги тиббиёт ва фармацевтика узлуксиз касбий таълими муассасалараро Мувофиқлаштирувчи Кенгашининг 20__ йил “__” _____ даги ____ -сонли баённомаси билан маъқулланган.

Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 20__ йил “__” _____ даги “__” – сонли буйруғининг ____ -илоvasи билан Ўқув (модул) дастури тасдиқланган.

1. Мутахассисликни долзарблиги ва аҳамияти, соғлиқни сақлаш тизимидаги ўрни.

2. Ўқув (модул) дастурининг мақсади ва вазифалари

2.1. Ўқув (модул) дастурининг мақсади-

2.2. Ўқув (модул) дастурининг вазифалари:

2.3. Мутахассисдан кутилаётган натижалар:

-тасаввурга эга бўлиши;
-билиши ва улардан фойдалана олиши;
- ...малакаларига эга бўлиши керак.

3. Асосий қисм

3.1. Модулдаги маъруза машғулотлари мавзулари, ташкил этиш бўйича умумий кўрсатма ва тавсиялар

3.2. Модулдаги семинар ва амалий машғулотларнинг мавзулари, ҳар бир мавзу бўйича ўқув юкларининг ҳажми, ташкил этиш бўйича умумий кўрсатма ва тавсиялар

3.3. Мутахассис ўзлаштириши лозим бўлган амалий кўникмалар рўйхати:

4. Мустақил таълим ва мустақил иш, ташкил этиш бўйича умумий кўрсатма ва тавсиялар

4.1. Мустақил таълим учун мавзулар рўйхати

4.2. Тавия этилаётган мустақил иш турлари, шакллари

4.3. Мустақил таълим ва мустақил ишларни ташкил этиш бўйича умумий кўрсатма ва тавсиялар

5. Малакаамалиётини ташкил этиш бўйича умумий кўрсатма ва тавсиялар.

6. Асосий ва қўшимча ўқув адабиётлар ҳамда ахборот манбаалари

6.1. Асосий адабиётлар:

6.2. Қўшимча адабиётлар:

6.3. Интернет сайтлари:

Ўзбекистон Республикаси
Соғлиқни сақлаш вазирининг
2019 йил “__” _____
_____ - сонли буйруғига
13.2 -ИЛОВА

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ СОҒЛИҚНИ САҚЛАШ ВАЗИРЛИГИ

Таълим муассасанинг номи
Кафедра (бўлим, лаборатори) номи

«ТАСДИҚЛАЙМАН»

Таълим муассасанинг номи
Илмий ишлар бўйича проректор
(директорнинг ўринбосари)
_____ *исми шарифи*
(имзо, муҳр)

«__» _____ 20__ - й.

“(НОМИ)”

Мутахассислиги бўйича
клиник ординатор (резидент)ни тайёрлаш
ИШЧИ ЎҚУВ (МОДУЛ) ДАСТУРИ

Билим соҳаси: Соғлиқни сақлаш
Мутахассислик: *(номи)*

Тошкент 20__

Ишчи ўқув (модул) дастури Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 201__ йил “__” ____даги __ сонли буйруғи билан тасдиқланган ўқув (модул) дастур асосида тайёрланган.

Тузувчилар:

Ф.И.Ш. - иш жойи, лавозими, илмий даражаси ва унвони

Тақризчилар:

Ф.И.Ш. - иш жойи, лавозими, илмий даражаси ва унвони

Ф.И.Ш. - иш жойи, лавозими, илмий даражаси ва унвони

Ишчи ўқув (модул) дастуртаълим муассасаси номи Кенгашида муҳокама этилган ва тасдиқланган (20__ йил ____ июндаги ____ - сонли баённома)

Кафедра (лаборатория, бўлим) мудир

Ўқув-услубий бўлим бошлиғи (жавобгар шахс)

1. Мутахассисликни долзарблиги, аҳамияти ва соғлиқни сақлаш тизимидаги ўрни (кенгайтирилган шаклда, қандай меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар асосида фаолият юритади).

2. Ишчи ўқув (модул) дастурининг мақсади ва вазифалари

2.1. Ишчи ўқув (модул) дастурининг мақсади-

2.2. Ишчи ўқув(модул) дастурининг вазифалари:

2.3. Мутахассисдан кутилаётган натижалар:

- ...тасаввурга эга бўлиши;
- ...билиши ва улардан фойдалана олиши;
- ...малакаларига эга бўлиши керак.

3. Асосий қисм

3.1. Маъруза, семинар бўлимлари ва мавзуларнинг номи, ўқув юклама ва кредит ҳажми.

№	Бўлимлар ва мавзулар	Кредит (ҳажми)	Жаъми	Соатлар тақсимоти (аудитор)			Эгаллаши кўзда тутилган компетенциялар
				Маъруза	Семинар машғулот	Ўқув амалиёти	
1.	Бўлим номи						
1.1	Мавзу номи						
1.2							
2.	Бўлим номи						
	Жаъми:						

3.2. Маъруза машғулотларини ташкил этиши бўйича кўрсатма ва тавсиялар (шакли, тури, жиҳозланиши, услубий таъминоти ва ҳ.к.) мультимедиа қурилмалари билан жиҳозланган аудиторияларда ўтилади.

3.3. Амалий (семинар, лаборатория) машғулотларини ташкил этиши бўйича кўрсатма ва тавсиялар

3.3.1. Семинар машғулотларининг мазмуни (қисқача назарий ҳажм)

3.3.2. Мутахассис эгаллаши лозим бўлган амалий кўникмалар

№	Амалий кўникмалар номи	Сони	Амалий кўникмаларни бажариш учун зарур таъминот (жиҳозлар)

3.3.3. Таълим муассасанинг ва таълимга жалб қилинган муассасаларнинг ўқув-услубий ва моддий-техник таъминоти

4. Мустақил таълим ва мустақил иш, ташкил этиш бўйича кўрсатма ва тавсиялар

4.1. Мустақил таълим мавзулари

4.2. Мустақил таълим шакллари ва ишлар турлари рўйхати :

4.3. Мустақил таълимни ташкил этиш учун тавсия этиладиган ўқув-услубий таъминот: қўлланмалар, адабиёт, макро- ёки микропрепаратлар, фотосуратлар, фантом, муляж, симуляторлар, асбоб-анжом, жадваллар, ўргатувчи ва назорат қилувчи тестлар, компьютер дастурлари, клиник фанлар учун кечки навбатчиликлар, волонтерлик, симмуляцион марказларда ишлаш ва х.к.

№	Мустақил таълим мавзулари	Шакли	Эгаллаши кўзда тутилган компетенциялар
1.			
2.			
..			

5. Ўқув ва малака амалиётини ташкил этиш бўйича кўрсатма ва тавсиялар.

6. Клиник ординатор (резидент) билимини назорат қилиш ва баҳолаш мезонлари.

7. Асосий ва қўшимча адабиётлар ҳамда ахборот манбалари рўйхати

7.1. Асосий адабиётлар:

7.2. Қўшимча адабиётлар:

7.3. Интернет сайтлари:

(Диагностика ва даволашнинг замонавий клиник баённомалари, стандартлари. алгоритмлари).